

Mustahkam oila - yurt tayanchi

# OILA DAVRASIDA

№ 12-13  
(410-411)  
21-may  
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



**НИЯТ ХОЛИС БЎЛМАСА,**  
амалларнинг фойдаси йўқ  
3-бет



**БИЗ ҚАНЧАМИЗ?**

2022 йилда аҳоли  
рўйхатга олинади

4-бет



**ҚАДДИНГИ**

тик тут, болам ёхуд  
«Сардоба»нинг  
аччиқ сабоқлари

5-бет

Халқ қалби  
билан

**ҲАММАНИНГ**

8-бет

**МАТБУОТИМИЗ**

қайси йўлдан боради?

6-бет

Маънавий дарс:

**ЎҒРИНИНГ ТЎҒРИ**  
**ЙЎЛИ**

7-бет

**ИЛОН ЮТГАН БОЛА**

Бу тўқима эмас!

11-бет



## ЗАКАРОВА УЙДИРМАСИ ФИТНАМИ ЁКИ НАЙРАНГ

8-9-бетлар



«Оила даврасида» газетасига

2020 йил **ОБУНА**  
учун

Обуна индекси — 193

ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Оила даврасида» — энг арзон, энг қизиқарли ва ошлангизнинг ҳар бир аъзоси учун энг фойдали нашр!

«Оила даврасида» бу — ўз фикрингиз, мулоҳазангиз, муносабатингиз билан чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!

**ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOB SAVDOTA' MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй  
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара  
нитоблар  
ассортименти

# Шавкат МИРЗИЁЕВ: АДАБИЁТ ХАЛҚНИНГ ЮРАГИ, ЭЛНИНГ МАЪНАВИЯТИНИ КЎРСАТАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 май куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонида ташриф буюрди, дея хабар берди Ўзбекистон Президентининг Матбуот хизмати.

Бу борадаги режа 2017 йил 3 февраль куни мазкур бокка ташриф чоғида белгиланган эди. Уша йили 18 апрелда давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори қабул қилиниб, хиёбоннинг меъморий-ғоявий лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўтган вақт мобайнида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, 8 гектардан зиёд майдонда Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамбли яратилди.

Илгари бу ерда санокли адибларимизнинг хайкаллари бор эди. Гўёки, Алишер Навоийдан сўнг истиснодда шoirлар етишиб чиқмагандай таассурот пайдо бўларди.

Шу боис Адиблар хиёбонини ғоявий-бадий жиҳатдан янада бойитиш мақсадида Бобур, Огахий, Бердак, Муқимий, Фуркат, Бехбудий, Авлоний, Чўлпон, Қодирий, Тўлепберген Қайилбергенов, Ибройим Юсупов, Александр Файнберг сингари атоқли намояндalar хотирасига бағишланган янги ёдгорлик мажмуалари ҳам яратилди.

Ҳазрат Навоий бобомизнинг муҳташам хайкали атрофида 20 дан зиёд атоқли шoir ва адибларнинг хайкаллари яхлит меъморий ва бадий композицияда, манткий ечим асосида

жойлаштирилди. Шу ерда Ёзувчилар уюшмаси учун бино барпо этилгани ҳам ҳамоҳанглик касб этди.

Давлатимиз раҳбари бу ерга ташриф буюриб, Алишер Навоий хайкали пойига гул қўйди. Хиёбонда амалга оширилган ишлар ва яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Ёзувчи ва шoirлар, зиёлилар билан учрашувда миллий адабиётимизни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, галдаги муҳим вазифалар ҳақида сўз борди.

– Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга ихломлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Юртимизда ижодкорларнинг асарлари доимий равишда чоп этиляпти. Энди уларни дунёга олиб чиқиш кераклиги таъкидланди.

Масалан, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари ижодкорларнинг асарлари хорижий тил-

ларда нашр этилмоқда. Лекин бу ишлар таржимонларнинг ўз ташаббуси ва қизиқиши билан бўляпти.

Бу борада Ёзувчилар уюшмаси ташаббускор бўлиши, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан биргаликда ўзбек адабиётининг энг сара намуналарини турли тилларга таржима қилиб, нашр этиши зарурлиги қайд этилди.

Адиблар хиёбонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш, ҳар бир адиб хайкалинини муайян олий ўқув юртига бириктириб, бу ерда очик дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тавсиялар берилди. Хиёбон билангина чекланиб қолмасдан, адиблар ижодини чуқур ўрганиш, уларнинг ибратли умр йўллари ҳақида китоблар ва фильмлар яратиш, янги асарлар ёзиш муҳимлиги таъкидланди.

– Мана, «замонамиз қахрамонлари», деб кўп гапирамыз. Бугун бу қахрамонлар короновирусга қарши курашаётган фидойи шифокорларимиз, мард ҳарбийларимиз, саховатли тадбиркорларимиз, ватанпарвар ёшларимиз. Уларнинг жасорати ҳақида ўқини ҳаммамиз хоҳлаймиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги ёшлар интернетдан, электрон адабиётлардан кўпроқ фойдаланиши, лекин миллий адабиётимиз хазинасини интернетда тарғиб этиш яхши йўлга қўйилмагани кўрсатиб ўтилди.

Шу боис Президентимиз «Адиблар хиёбони» деб номланган интернет портали ташкил этиш таклифини билдирди.

Унда мумтоз ва замонавий асарларнинг электрон нусхалари, ёзувчи ва адабиётшуносларнинг маҳорат сабоқлари жамланади. Портал ўзбек, инглиз ва рус тилларида фаолият кўрсатса, ундан хорижлик муҳлис ва мутахассислар ҳам фойдаланиши имконияти яратилади.

Шу ерда олий таълим муассасаларининг адиблар ижодини



ўрганиш бўйича тақдимотлари ўтказилди. Давлатимиз раҳбари хиёбон ёнида ташкил этилган кутубхонани ҳам кўздан кечирди.

Эслатиб ўтамиз, Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 11 январь куни пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишлари билан танишув чоғида Тошкент шаҳри музейини ташкил этиш бўйича тавсиялар берган эди. Адиблар хиёбони ёнидаги бино реконструкция қилиниб, мазкур музей шу ерга жойлаштирилди.

Буюк ипак йўлининг гавжум чорраҳасида жойлашган Тошкент асрлар давомида илм-фан, маданият ва маърифат марказларидан бўлиб келган. Ватанамизнинг олтин остонаси бўлмиш пойтахтимиз бугунги кунда янада ривожланиб, гўзал ва обод мегаполислардан бирига айланган бормоқда. Лекин шундай катта шаҳар шу вақтга қадар ўзининг музейига эга эмас эди.

Тошкент шаҳри музейи 2200 йиллик тарихга эга бўлган худуднинг қадим ўтмиши, урф-одат ва анъаналари, илм-фани, маданияти ва санъатини ўзида акс эттиради. Ҳозиргача бу ерда мингга яқин экспонатлар тўпланган. Музей фондини бойитиш изчил давом эттирилмоқда.

Биринчи қаватда «Тошкент – илм-фан маркази», «Тошкент – бағрикенглик шаҳри»,

«Амалий санъат. Қундалик ҳаёт ва маданият» деб номланган экспозициялар ташкил этилган. Иккинчи қаватда қадимий иш қуроллари, хўжалик буюмлари, қадамжоларнинг макетлари намойишга қўйилган.

Экспонатларга ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнлар билан шарҳ берилади. Мониторлар, инфокиосклар ва бошқа технологиялар ёрдамида қўшимча маълумотлар тақдим этилади.

– Бу биринчи қадам, – деди Шавкат Мирзиёев. – Тошкентда илмий тадқиқотлар учун жуда катта манба бор. Лекин шу пайтгача яхлит ва тўлиқ ўрганилмаган. Энди 2200 йиллик тарихни даврма-давр ўрганиш, музейни ашъвий далиллар билан бойитиб, шаҳар цивилизациясини тўла юзага чиқариш керак.

Шу мақсадда илмий-тадқиқот институти ташкил қилиш, археологларга шароит яратиш, изланишлар натижаси бўйича китоблар чоп этиш зарурлиги таъкидланди. Маҳалла ва мактаб ёшларини бу ерга олиб келиш, бошқа шаҳарларда ҳам шундай музейлар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Музей Адиблар хиёбони ёнида ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Ёзувчи ва шoirлар, тарихнавислар унинг фаолиятини жонлантириш, хорижликларга тарғиб этишга ҳисса қўшади.



## Мактабларда якуний имтиҳонлар бекор қилинди

Бу ҳақда Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов маълум қилди, дея хабар берди ҳуқуқшунос Хушнудбек Худойбердиев ўзининг Телеграм каналда.

Жумладан, хабарда айтилишича, карантин вақтида аҳолига имкон борица қўшимча қулайлик яратиш мақсадида ҳамда кўпчилик ота-оналарнинг илтимосларини инобатга олиб, бу ўқув йили якунидаги имтиҳонлар бекор қилинади.

Мактабларга ўқувчиларнинг йиллик баҳоларини истисно тариқасида жорий ўқув йилининг 3 та чорак баҳолари асосида чиқариш тавсия этилди.

Шу билан биргаликда, kundalik.com тизими жорий этилган мактабларда каран-

тин вақтида тиришқоклик билан ўқиган ўқувчиларимизга рағбатлантириш сифатида 4-чорақдаги факат ижобий баҳоларини ҳам йиллик баҳоларини ҳисоблашда инобатга олиш тавсия этилади.

«Карантин вақтида «online maktab» орқали фарзандлари билан бирга дарс тайёрлаган барча ота-оналарга ўз миннатдорчилигини билдирамыз!», – деди халқ таълими вазири.

## Шаҳодатномалар электрон тарзда топширилади

Вақт ўтиши билан бу йилги битирувчиларни «Бу йил 11-синфини битираман. Олий ўқув юртига киришим керак. Аттестат (шаҳодатнома)ни қандай оламан?» деган савол қийнаётгани рост.

Халқ таълими вазирилик мазкур масалага аниқлик киритиб ўтди, деб ёзмокда «Xabar.uz» нашри.

«Ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб, 2019-2020 ўқув йилидаги умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларига давлат намунасидаги аттестат (шаҳодатнома)лар элек-

трон шаклда (сканер) битирувчиларга етказилади.

Аттестат (шаҳодатнома) бланкалари республикамизда карантин муддати туагунга қадар таълим муассасаларида сақланади. Карантин даври якунланганидан сўнг улар ўз эгаларига топширилади», – дейилди вазирилик хабарида.

# НИЯТ ХОЛИС БЎЛМАСА, АМАЛЛАРНИНГ ФОЙДАСИ ЙЎҚ



Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Аллоҳ таолога беадад шукрки, умримизнинг яна бир ойи тинчлик-хотиржамлик билан ўтиб, поёнига етиб боряпти.

Бу ойни фанимат билиб, ундан имкон қадар унумли фойдаланишимиз учун махсус таълимотларни бизга таълим берган муаллим Пайгамбаримизга дуою саломларимиз бўлсин.

Бугун Рамазоннинг сўнгги кунларида, бу фазилатли ой воситасида нималарга эришганимиз, уни қандай ўтказганимиз, нафсимизга машаққат етказиб қилган амалларимиз келгусидаги ҳаётимиз учун қай даражада аҳамиятли эканини сарҳисоб қилиш палласида турибмиз.

Рамазондан нима тондик? Яратганининг раҳмати бўлиб бошимизга келган бу ойдан қанчалик фойда олодик?

Рамазон тугаяпти, лекин бу ойда нафсимизни одатлантирган яхши амалларимиз ҳам шу ой билан бирга тугайдими ёки яна бардавом бўлиб боравердимиз?

Ҳар бир инсон шу каби саволларни ўз-ўзига бериб, ўзини тафтиш этиши натижасида қилинган амалларнинг салмоғи маълум бўлади. Зеро, мўмин банда ҳар бир амали беҳикмат эмаслигини идрок эта олиши зарур.

## Зоҳирий жиҳат

Биздан олдин яшаб ўтганларга қилинган каби рўза тутиш биз – уммати Мухаммадияга ҳам фарз қилинди. Бунинг учун ойлариинг ичиде энг улуғи бўлган Рамазон танланди. Бу ойнинг субҳидан шомгача ейиш-ичиш ва мушоаратдан нафси тийиш буюрилди. «Рўза тутишингиз ўзларингиз учун яхшидир», дея алоҳида таъкид этилди. Рўзадорликнинг ҳисобиси яхшиликларига эришмоқ учун нималар қилиш зарурлиги ҳам кўрсатилди.

Кун бўйи емак-ичмакиси юриш бизга ўз холимиздан хабар беради. Дунёдаги ишлар бизнинг ўз кўнглимиз тусанган тарзда эмас, ҳар бир иш фақат Аллоҳнинг изни-иродаси билангина воқе бўлишини англаб етиш учун бу энг яхши фурсатдир. Банд чанқайди, очкайди, хузурида истаган ноз-неъматлари мухайё. Аммо шундай пайтда у ўз ихтиёри билан табиий равишда нафсини жиловлашни афзал кўради. Бу эса уни қаноатга, сабр-тоқатга ўргатади. Таассуфки, бу каби фазилатлар бугун дунёда тобора танқислашиб бораётгани ҳаммамизга маълум. Қаноатсизлик – ўткинчи хой-хавасларга ҳирс қўйиш орқасидан бора-бора инсонни тамагир, худбин, қаллоб, бировнинг хақиға рию қилмайдиган, тажовузкор ва разил кимсага айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас. Буни дунёнинг айрим жойларида бўлаётган талотўлларда гувоҳи бўлиб турибмиз. Аслида инсон вужудининг табиий эҳтиёжи жонимизни жафога кўядиган даражада кўп эмас. Эртадан кечгача нафсини тушовлаб юрган ҳам, кун бўйи мечкайлик русумини тутган ҳам Аллоҳ берган умрини яшаб, ҳаётини давом эттириверади. Тийилган нафс эса ўзини тежайди. Шунинг орқасидан қатта хайрияларга заavor бўлади. Одамларнинг хурмати, меҳри, ҳавасига лойик кўрилади. Бундай банд аввало, ўз хатти-ҳаракати ва ҳаётини кўнгли тўлиб, хотиржам бўлиб яшайди. Атрофдагилар ундан рози бўлади. Аллоҳ ҳам бундай бандасини хуш кўради, ишшаалоҳ.

Рўзадорлик сабаб эришиладиган руҳий хотиржамлик инсон учун нечоғли

зарур неъмат эканини айтиб ўтиришнинг хожати бўлмаса керак. Бу инсонларнинг барчаси ингилайдиган азиз ва тансиқ бир неъматдир.

Рўзани кўпчилик истемолдан тийилиш деб тушунади. Аслини олганда рўза шундангина иборат эмас. Бу рўзадорликнинг зоҳирий тарафи – дастлабки босқичи ҳолос. Бу жиҳатни бир ой давомида ўз ҳаётида жорий қилишга, алҳамдулиллаҳ, ҳамма рўзадор асосий эътиборни қаратади. Бирок шу зоҳирий жиҳат билан чекланиб қолмаслик зарурлигини айрим-лар ҳаёдан фаромуш қилиб қўяди.

## Маънавий истеҳком

Рўза фақат оғизни ейиш-ичишдан тийишгина эмас. Том маънода нафси жиловлаш учун бу ишлар етарли бўлмади. Бунинг учун бадандаги бошқа аъзоларда ҳам рўзанинг таъсири сезилиши керак. Мўмин – ўзига ва ўзгаларга заҳмат етказмайдиган кишидир. Саҳарда оғизни ёпиб, кун бўйи гийбат, бўхтон, тухмат, ёлгон, чакимчилик, уришиб-талашиш, сўқиниш каби офатлардан тилини тия билмаган кишининг рўзаси фақат очлик ва чанқокликдан бошқа нарса эмаслигини Пайгамбаримиз алайҳиссалом марҳамат қилганлар. Тил – тигдан кескир. Тиг яраси битида, тилининг жароҳати битмайди. Тигнинг шитоби баданга заҳмат берса, тилники жонни оғритади.

Тил офатларининг яна бир ёмони беҳуда гаплар ҳисобланади. Баъзилар азиз умрининг қатта қисмини беҳуда

*3. биродар, қилаётган тоат-ибодатингиз, солиҳ амалларингиз дунёда бошқаларни ҳақир санаб, ўзингизни устун кўришингиз, шунинг орқасидан бирор имтиёзга эришингиз учун эмас. Асло! Бу ишларингиз сизга ҳеч қачон имтиёз бермайди...*

гаплар билан ўтказиб юбораётганига унчалик эътибор бермайди. Ҳолбуки, шу зайлда кун кеч бўлиб, умр ўтиб кетади. Ҳаётда керак-нокерак, муҳим-номуҳимни ажрата олиш ҳам инсондан қатта салоҳият талаб этади. Ҳақнинг буйруғига итоат кўрсатиб, рўза тутаман, деган киши ана шу нарсани ҳам яхши билиши зарур.

Бадандаги бошқа аъзолар ҳам худди тил каби ўз ҳадда – маънавий истеҳкомда турмоғи керакки, шундангина заҳмат чекиб тўтлаётган рўзадан кўзланган асл мақсад ҳосил бўлади.

Айниқса, кўзга алоҳида эътибор керак. Ҳозирга оғиримизни енгил, узоғимизни яқин бўлишини кўзлаб ишлаб чиқарилган айрим замонавий аажом-воситалар инсон нури дийдасининг қушандаси бўлмаслиги зарурлигини бир мулоҳаза қилиб кўрайлик...

Яқинда бир хабарни ўқидим. Узок йиллик илмий-амалий тажрибага эга бўлган машҳур кўз шифокори шахсий кузатувлари натижасида бир нарсани аниқлабди. Ҳар кун қоронғу ҳонада



ярим соат экранга тикилиб ўтириш кўз саратонига сабаб бўлиши мумкин экан.

Беҳуда ишлардан тийилиш дегани жуда кенг тушунча. У инсон ҳаётида учраши мумкин бўлган ҳамма жабҳаларда кўрилиши эҳтимол. Булардан албатта хушёр бўлишимиз лозим.

## Муруват – фарз адосида

Яна бир қатта синов борки, ажр-савобнинг кўпроқ бўлишини истаб, кўпчилик бу амални ҳам Рамазонда бажаришни маъқул кўради. Бу молиявий ибодат саналган закотдир. Пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб топган, нисобга етган маблағининг қирқдан бир қисмини «ўз эгалари»га топширади. «Ўз эгалари» деганимиз бу – ҳамма нарсаси етарли бўла туриб, закот олиш учун ўзини фақир-мискин қилиб кўрсатадиган, тама юзасидан бошқалардан тилини туриб оладиган, хой-ҳавасла-

қиб қўлга киритгандан кейин уни шундайлигича бошқа бировга бериб юбориш баъзан нафсга малол келиши мумкин. Лекин билдикки, бу ўзганинг хақи – омонат. Омонатни эса эгасига етказиш керак. Эътибор беряпсизми? Рўза инсоннинг қай даражада омонатдорлигини ҳам имтиҳон қилипти. Бандани бу жиҳатдан ҳам гарбияляпти.

Фитр садақаси ҳам худди шундай. Баъзи одамларни қарасангиз, кийимларнинг энг сарасини қияди, таомнинг энг зўридан ейди, уловнинг энг қимматини минади. Лекин фитр беришга навбат келганда фитрнинг энг кам миқдорини ҳисоблаб туриб, садақа беради. Қани бу ишда мувофиқлик?

Агар бизда – ўзимизда шундай ҳолат кузатилса, унда билайликки, ўттиз кун тутган рўзамиз бизни мол-дунёга бўлган ортиқча хирс чанғалидан қутқаролмабди.

## Холис кўнгли билан

Баъзан кўча-қўйда яна бир ходисанинг гувоҳи бўламиз. Айрим одамлар бошқаларга ўзининг рўзадорлигини пеш қилиб, нимагадир эришишни кўзлайди. Масалан, ўз хизмат вазифасини бажаришда сустқашлик ё дангасаликка йўл қўйганини рўзадорлигини ваз қилиб ёпмоқчи бўлади. Кечалари таровех намозида қойим бўлгани, Кадр кечасида тонггача бедор бўлганини иддао қилиб, гўёки, «мен бошқалардан афзалман», демоқчи бўлади. Э, биродар, қилаётган тоат-ибодатингиз, солиҳ амалларингиз дунёда бошқаларни ҳақир санаб, ўзингизни устун кўришингиз, шунинг орқасидан бирор имтиёзга эришингиз учун эмас. Асло! Бу ишларингиз сизга ҳеч қачон имтиёз бермайди. Сиз бу амалларни бошқаларга кўз-кўз қилиш учун эмас, холис Аллоҳ учун, Аллоҳ розилигини кўзлаб қилмоқдасиз. Агар ният шу бўлмаса, бу амалингизнинг кераги ҳам, фойдаси ҳам йўқ.

Мана, ҳадемай Рамазон ойи ҳам тугайди. Лекин нафсимизни тарбиялаш йўлида бошлаган солиҳ амалларимиз шу ой билан бирга тўхтаб қолмаслиги шарт. Аллоҳ таоло ҳар бир кунимизни худди Рамазондаги каби файзли-баракотли қилсин!

**Шухратжон ҒОЙИМОВ,**

Тошкент шаҳридаги «Кулолқўрғон» жомеъ масжиди имом-хатиби

2022 йилда Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш умуммиллий тадбири ўтказилади. Бу муҳим жараёнга тайёргарлик кўришнинг ҳуқуқий асослари шаклланимиз.

Шу давргача аҳолини рўйхатга олишга оид қонун қабул қилинмаган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ҳоҳлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган давлат Дастурининг 38-бандида аҳолини рўйхатга олиш концепциясини тайёрлаш вазифаси белгилан эди. Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида

XIX асрга келиб, аҳолини рўйхатга олиш жуда кенгайди. Қатор Европа мамлакатларида статистика ташкилотлари тузилди. Аҳолини рўйхатга олиш илмий дастурлар асосида олиб борилиши йўлга қўйилди. Хусусан, 1870 – 1879 йилларда дунёнинг 48 та, 1890 йилларда эса 57 та давлатида аҳоли рўйхати ўтказилган. XIX аср охирида дунё аҳолисининг 21 фоизи рўйхатга олинган бўлса, XX аср бошида 54 фоиз аҳоли рўйхатдан ўтказилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин, аҳолини рўйхатга олиш тизими янада такомиллаштирилди. 1945-1954 йилларда 151 та давлатда,

рўйхатга олишдан тахминан бир йил аввал бунга доир алоҳида қонун ҳужжати қабул қилинади (*бунда, албатта, 1920 йилги қонуни ҳужжатига ҳавола қилинади*). Бу қонунда аҳолини рўйхатга олиш услубига аниқлик киритилади, рўйхатга олиш муддати ва бунинг учун ажратиладиган маблағ миқдори белгиланади. Буюк Британияда аҳолини рўйхатга олиш ҳар ўн йилда, одатда, апрель ойида ўтказилади. Бу сананинг танланиши мамлакатда аҳоли ўртасида оммавий тадбирларнинг ўтказилиши учун об-ҳаво қулай бўлиши билан изоҳланади. АКШда 1790 йилдан буён, ҳар 10 йилда аҳолини рўйхатга олиш ўтказиб келинади. Аҳолини рўйхатга олиш мамлакатнинг кўп асрлик қонунчилик асосига таянади.

XVIII асрда қабул қилинган АКШ Конс-

уларнинг қонунига мувофиқ, Польшанинг ҳар бир фуқароси сўровнома саволларига тўла ва ҳаққоний жавоб бериши шарт. Маълумот беришдан бош тортиш учун жарима тўланади, ёлғон маълумот берганлик учун эса озоқликдан маҳрум этилиши ҳам мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Янги қабул қилинган «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонунда рўйхатга олиш варағи, шахсга доир маълумотларни йиғиш тартиблари ва респондентнинг ҳуқуқлари каби масалалар белгиланган.

Эндиликда мамлакатимизда 10 йилда камида бир марта аҳолини рўйхатга олиш ўтказилади. Қонунга кўра рўйхатга олиш бутун Ўзбекистон ёки муайян ҳудудлар бўйича ўтказилиб, демографик сана ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий характеристикасини аниқлашга қаратилган шахсий маълумотларни йиғиш ва уларни қайта ишлаш тартибларини белгилайди.

Ушбу муҳим ҳужжатга кўра, рўйхатга олишнинг асосий мақсади — Ўзбекистонда аҳоли таркибининг ҳолати ва ривожланиш динамикаси ҳақида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ишончли ва ҳолис ахборотни олишдан иборатдир.

**Қуйидагилар рўйхатга олишнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:**

- аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар яшаш шарт-шароитларини яхшилаш, oilаларга ёрдам кўрсатиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш мақсадида аҳоли таркибидоғи, мамлакатнинг демографик вазиятдаги ўзгаришларни баҳолашга доир маълумотлар базасини кенгайтириш;

- шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, меҳнат ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланишнинг узоқ, ўрта ва қисқа муддатли прогнозларини ҳамда дастурларини тайёрлаш;

- аҳолини рўйхатга олишлар оралигидаги даврда аҳоли сони ва таркибининг жорий ҳисобини, ҳисоб-китобларини ҳамда прогнозларини амалга ошириш;

- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни ўтказиш.

Хўжкатда, шунингдек, аҳолини рўйхатга олиш соҳасида давлат органлари ваколатлари, респондент ва рўйхатга олувчи ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам келтириб ўтилган. Қонунга кўра аҳолини рўйхатга олиш 10 йилда энг камида бир марта амалга оширилиши керак. Рўйхатга олишни ўтказиш, унинг саналари ва муддатлари тўғрисидаги қарор Президент томонидан қабул қилинади. Рўйхатга олиш тўғрисидаги тақлиф ҳуқуқат томонидан уни ўтказишнинг тахминий муддатларидан камида уч йил олдин киритилади.

Аҳолини рўйхатга олиш дастури ёши, миллати, тилларни билиши, маълумоти, яшаш шароитлари, яшаш учун маблағлар манбалари ва бошқа масалаларни ўз ичига олади. Сўров давлат тилида олиб борилади. Рўйхатга олиш бўйича яқиний маълумотлар юридик ва жисмоний шахслар учун очик бўлади ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб, Давлат статистика қўмитаси расмий сайтига жойлаштирилади.

**Пўлат ЭРМАТОВ,**  
Хоразм вилояти статистика  
бошқармаси ахборот хизмати  
бош мутахассиси

## БИЗ ҚАНЧАМИЗ?

2022 йилда аҳоли рўйхатга олинади, бу нима учун керак?



Ўзбекистон ҳудудида 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда аҳолини рўйхатга олиш ишлари ташкил этилган.

Давлат статистика қўмитаси томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда аҳолини рўйхатга олиш концепцияси ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралда «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Она диёримизда аҳолини рўйхатга олишнинг ҳуқуқий асослари халқаро меъёрларга мос тарзда шаклланимиз. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 16 март кун «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонунни имзолади.

Тарихий манбалардан маълумки, аҳолини дастлабки рўйхатга олиш қадимги Греция, Вавилон, Месопотамия, Рим, Хитой, Япония ва Мисрда ўтказилган. Бундан кўзланган асосий мақсад одамлардан солиқ йиғиш, бож олиш ҳамда ҳарбий сафарбарлик учун уларнинг сонини аниқлаш бўлган. Шу боисдан ҳам бу рўйхатга олишда асосан эркеклар эътиборда бўлган.

Аҳолини энг биринчи расмий рўйхатга олиш 1790 йилда АКШда, кейинчалик 1800 йилда Швеция ва Финляндияда, 1801 йилда Англия, Дания, Норвегия ва Францияда ўтказилган. Аммо бу аҳоли рўйхатлари жуда оддий шаклда ҳамда узоқ муддатга чўзилган. Масалан, биринчи АКШда аҳолини рўйхатга олиш ишлари 18 ой давомида олиб борилган.

1965-1974-йилларда 179 та давлатда аҳоли рўйхати ўтказилган. Ҳозирги пайтда, дунёдаги деярли барча давлатларда аҳолини рўйхатга олиш ишлари олиб борилимиз.

Мамлакатимизда демографик жараёнларнинг ҳолатини ўрганишда ҳудудларда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари муҳим аҳамият касб этади. Манбаларда келтирилишича, Ўзбекистон ҳудудида дастлабки аҳоли рўйхати 1897 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан ўтказилган. Бу борадаги маълумотлар XIX аср охирида Ўзбекистонда мавжуд оилалар сони, аҳоли сони, ёши ва жинси, этник таркиби, туғилиш, ўлим каби демографик жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берган. Ўзбекистон ҳудудида кейинчалик 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда аҳолини рўйхатга олиш ишлари ташкил этилган.

Кўпгина мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш қонун билан тартибга солиниши мустақамлаб қўйилган. Масалан, Буюк Британияда 1920 йилда «Кўшма қиролликда аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган. Мазкур қонунда аҳолини рўйхатга олишнинг барча қоидалари, фуқаролар, уй хўжаликлари, корхоналар ва муассасаларнинг қайси тоифалари рўйхатга олиниши, аҳолини рўйхатга олишнинг қим ўтказиши, сўров варақалари қандай бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Ушбу давлатда ҳар галги аҳолини

титусиясининг 1-моддасида «Вакиллар палатасидаги жойлар ва тўғридан-тўғри солиқлар Иттифоққа кирувчи штатлар бўйича уларнинг аҳолиси сони асосида тақсимланади. Аҳолининг амалдаги сони Кўшма Штатлар Конгресси биринчи мажлисидан кейин уч йил мобайнида, кейин ҳар ўн йилда мунтазам ҳисоблаб чиқилади», деб қайд этилган.

**Анъанага кўра, АКШда аҳолини рўйхатга олишга муҳим умумдавлат аҳамиятига эга тадбир сифатида қаралади. Унда барча аҳолининг иштирок этиши Америка демократияси зарур шarti, деб баҳоланади.**

Польшада аҳолини рўйхатга олиш узоқ тарихга эга. Бу ерда мазкур тадбир Европада илк бор 1764 йилда ўтказилган. Ҳозирги пайтда мамлакатда аҳолини рўйхатга олиш халқаро меъёрлар асосида ўтказилади. Ҳар 10 йилда ўтказиладиган бу тадбирда аҳоли анъанавий: ёши, жинси, маълумоти, иш жойи, миллати, шунингдек, тураржойи ва унинг маиший асбоблар билан жиҳозланиши каби саволларга жавоб бериши керак бўлади. Аммо уй хўжалиги аъзолари ва турар жой тўғрисидаги саволлар батафсил саволларнинг 34 гуруҳдан иборатдир.

# ҚАДДИНГНИ ТИК ТУТ, БОЛАМ!

## «Сардоба»нинг аччиқ сабоқлари

Қалдирғочнинг ин қуришини ҳеч қузатганмисиз? Мен бу болажон қушнинг уя қуриши, меҳнатсеварлиги ва ишни пухта бажаришига неча бор гувоҳ бўлганман. Баҳор келиши биланоқ хонадонимиз қадрдонлари бўлган бир жуфт қалдирғоч даҳлизда гирён ура бошлайди.

Қайнонамнинг айтишларича: улар таниш, шуғиналар ҳар йили келади. Ғужур-ғужур қилиб, эринмай тумшугида лой ташиб оиласи учун маскан барпо этади. Эътибор қилдим, бир-бирини қўлаб, бири-бирига елкадош бўлиб асло шопилмасдан иш юртади қалдирғочлар. Ҳали бостирилаётган лой қурмасдан, устига лой босмайди. Кутади. Эринмай, оби-тобида иш қилади. Чунки болажонлари учун аталган «иншоот» мустаҳкам бўлмоғи, умиди эгаларини соғ-омон учирма қилиши учун чидаб бермоғи даркор. Пухта иш қилишни, меҳнатсеварлик ва ҳалолликни, биз шу митти қушдан ўрганишимиз керамикан, деб ўйлаб қоламан баъзида. Бу қуш тўғри келган жойга ин қурмайди, обдон ўрганиб, жой танлаб, муҳими файзу баракаси бор манзилни кўзлайди. Шунданми, бўғотида қалдирғоч ин қурган оилаларда айтиб бўлмас, кўз илғамас нимадирлар бисёр бўлади. Унинг номи меҳр, мухаббат, ҳаётга бўлган иштиёқ, ҳалоллик...

Биз шу қушчалик ҳам бўлолмаямиз. Бажараётган ишига нисбатан эътиборни унутадиганлар кўпаймоқда, афсус. Манфаат, нафс, қорин ғамини баридан устун қўйиб, «нима, битта менми?» дея ўзига таскин берадиганлар бор, орамизда. «Бировнинг ҳақи» деган тушунча биздан тобора олислаб кетмоқда. Барпо этилаётган уйлар уч ой ўтмай моғорлаб кетади, девори ёрилади, сувоғи кўчади, агрофи чўкади, сал қаттиқ шамоёл бўлса, томи учиб кетади. Бу оддий ҳолга айланди. Мана шулар кўпнинг ризқидан ризқ айирришга ружу қўйиш оқибати эмасмикан?!

Кўпчилик учун қилинаётган қурилиш ўлда-жўлда бўлиши мумкин, аммо унинг тепасида турган «соҳиблар»нинг иморати айтилган вақтда битади. Уялмасдан «уй тўйи» қилади. Бундай қошона ниманинг орқасидан

қад кўтарганини кўпчилик билади ҳам, аммо қўшилишиб табриклайди. Ҳа, бундайларнинг сафи кенгайишига ўзимиз сабабчи бўлмоқдамиз, чамамда. Аслида уларни «олғир» қилган сизу бизнинг андишамиз эмасми?!

Бундан уч йил илгари... кўрсатув тайёрлаш учун чекка ҳудуддаги «намунавий уйлар»да бўлдик. Хонадон соҳиби «тўлқинланиб» ўргатилган гапларини айта кетди: «Раҳмат, бундай шароитни биз фақат орзу қилганмиз, уйимсан, уй. Баланд, чиройли...» Секин агрофи қузатаман ва сўрайман:

– Опа, нимадир хид бор уйингизда, сезяпсизми?

– Бор, бор – юзи қизариб кетди уй соҳибасининг. – Мановингиз ёзмаяптими?

– Ёзмаяпти, мана микрофон узилган, менинг қўлимдаку.

– Ҳа, шундай денг... Тўғриси айтсам, бу бизнинг айбимиз эмас, жула тозақорман. Фақат меҳмон уйнимас, ҳамма хоналарни кўринг. Шу ҳалиги канализацияга қурувчилар томонидан мана бундай (бармоқларини думалоқ шаклга келтиради, опа) кичик труба қўйиб кетилган экан. Тортмади. Сасиб кетди. Уйга кириб бўлмай қолди. Кейин... Ишлатолмадик. Эшигини миҳлаб ташлаганмиз. Ҳовлидаги ҳожатхонадан фойдаланамиз. Шу хид ўтириб қолдида, қандайдир. Келган кишига бирдан билинади... одам уятданам ўлди. Кредитларимиз энгилласа, тўғрилатишни мўлжал қилаямиз.

– Нега сиз уяласиз, хайронман?

Қурувчи билан боғланишимиз, билалдими?

– Эй, неча бор тортишув бўлди. Дадасининг асаблари тамом бўлди, ҳисоби. Битта бу эмас, айвондаги ром ҳам оддий экан, яхши жойлашмаган. Очиб қўйишга кўрқамиз. Кўчиб тушмасин, деб. «Мендан шартномага имзо чекиб, қабул қилиб олгансизлар, энди ишим йўқ», – дейди қурувчи. Чинданам қўл қўйиб, қабул қилиб олганмизда. Лекин, шартномада катта труба турибди, қиммат эшик ром кўрсатилган. Қабул қилишдан олдин синаб кўриш керак эди дейди бир танишим. Ҳужжатлар киришдан олдин тайёрланган бўлса, биз кам-кўстини яшамай туриб билмаймиз-ку? Камерага бу гапларни ёзмагн, қизим. Балога қолиб юрмайин, яна...

Ҳа, шу кезларда юракка айтиб бўлмас катталикдаги ҳадик ўрмалаган. Ўпирилган «Сардоба» сув омбори, эвакуация қилинган аҳоли, уйсиз қолган одамлар, ҳўл кўғирчоғини кучоқлаб турган қизалоқ... Нега кунки, тонгни ўз уйида эмас ўзга манзилда қаршилаётган сирдарёликлару, қозоқ биродарларимиз ҳақида ўйлайман. Уй-жойдан ажралиш, бир кунда бирдан мосуво бўлиш – ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Мисқоллаб йиғиниб, ўгли-қизи учун уй-жой қилган, тўйлар қиламан деган инсоннинг бир ўғрилиб қарағунча – бор бисоти эгнидаги либоси бўлиб турибди. Буни ҳис қилишнинг ўзи аянчиқ, оғир. Энди бошига тушганларнинг аҳолини тушунаверинг.

Албатта давлатимиз, саҳий юртдошларимиз жабрланганлар беҳаловат бўлишига йўл қўймайпти, нимаки зарур, нимаки керакли албатта, етказиб берилмоқда. Эл бўлиб шакланганимиз, ўзганинг ғамини ўзиники деб қабул қилувчилардан эканимиз намоён бўлмоқда. Катталар қаторида ёшгина

мурғак болажонлар ҳам энг сеvimли ўйинчоғи, йиғиб юрган пулини ҳам саховат учун бермоқда. Тенгқури ўйинчоқсиз қолганини, унга нимадир ёрдам қилиш кераклигини англаяпти, улар.

Кетган мол-мулк вақти-соати билан тикланар, уй-жой масаласи ҳам ҳал этилар. Бир неча кундирки, кўчирилган аҳолининг йўқолган ҳужжатлари расмийлаштирилиб эгаларига топширилмоқда. Аммо... қолган кўнглини олиш, пешонаси тиришиб турган жабрдийдаларнинг чехрасини ёритиш – ҳаммасидан мушқули шу? Уйларни, манзиллари ювиб кетган сув каби, кўнглидаги дард, доғларни вақт ювади. Аммо, сув омборини қураётганда лойихани амалга ошираётганда локайдлик қилган, топшириқни бажаришда алдов, фориб аралаштирганларга нисбатан кўзгалган нафрат ювилармикан?! Сувга қўшилиб оққан нарсалар, асбоб-анжомлар, мол-мулк орасида қалдирғочларнинг ини ҳам бор. Улар яқингинада келиб, Сардобанинг кўм-кўк осмони узра қанот қоқиб, уйлар бўғотида «иморат» сола бошлаган эди. Одамку одам, қушнинг ини бўзилмасин, дея бежиз айтмайди халқимиз.

Қайси кун, ижтимоий тармоқда, бир суратга кўзим тушди. Машхур «юлдузлар» сардобаликлар ёнига кўнгли сўраш учун бориб, «селфй» қилишган. Икки четдаги «юлдуз»дан бошқа ҳамманинг боши эгик. 10-11 ёш атрофидаги болакай ҳам суратга тик қараб тушмаган. Юрагим оғриди. Унинг митти қалбига кирган бу «дард» сабабчиси бўлган лойихачилару, пудратчилар, қурувчилар – шу болакай ўрнида ўз фарзандингизни қўйиб кўра оласизми? Унинг бошини эгган нафсингиз ўпкони қачон тўлади? Ахир, кўпнинг дуосини олишдек саодат йўли турганда, сиз қайси йўл бошини тутганингиз аён бўлди-ку?..

Бир кунда бирдан улғайиб қолган болажон, қаддингни тик тут! Бу қунар тезда унут бўлсин. Суратларга қулиб, табассум билан тушар онларинг яқин. Сен қучли мамлакатнинг фарзандисан. Давлатимиз раҳбари айтгани каби: биз ҳаммасини биргаликда енгаймиз!

Зиёда АМИНОВА,  
журналист

*Ўпирилган «Сардоба» сув омбори, эвакуация қилинган аҳоли, уйсиз қолган одамлар, ҳўл кўғирчоғини кучоқлаб турган қизалоқ... Нега кунки, тонгни ўз уйида эмас ўзга манзилда қаршилаётган сирдарёликлару, қозоқ биродарларимиз ҳақида ўйлайман...*

## АКС-САДО

# ЯНГИ ВА ХОЛИС НАЗАР

«Оила даврасида» газетасининг ўтган сонидан чоп этилган «Қодирийни буюк қилган уч маслак» мақоласини ўқигач, анчадан бери ўйлаб юрган мулоҳазаларим ҳаёлимда яна қайта гавдаланди...

Ёзилганига бир асрдан ошганига қарамай, бугунги китобхонлар, айниқса ёш ижодкорлар учун янги-янги мушоҳадаларга сабаб бўлаётган «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» каби романлар ўзбек халқи учун бунёд этилган мустаҳкам бинолар, десак, мулоҳага эмас.

Ўз даврида кўпгина баҳс-мунозараларга, ўринсиз эътирозларга сабаб бўлган Ҳабибулла Қодирийнинг «Отам ҳақида», «Қодирийнинг сўнгги кунлари» асарларининг адибнинг ҳаёти, романларининг яратилиш тарихи

ҳақидаги таассуротларимизни шакллантирган бўлса, Маъсуд Абдуллаевнинг (А.Қодирийнинг кичик ўғли) хотиралари асосида яратилган Шерқон Қодирийнинг «Ўтганлар ёди» («37-хонадон» асарининг давоми) асари орқали биз сеvimли адибимизни қўли қабармаган ёзувчи эмас, балки, миришкор деҳқон, жонкуяр қўшни, тадбиркор, ишбилармон, қолаверса, ёзувчиликда ҳам саркарда бўлганини билиб оламиз.

Қодирийгагина хос бўлган жияатлар, шох асарларининг яратилиш тарихи, муҳокама-



талаб шеърлари ҳақида бир қанча ноёб ва ибрат олишга лойиқ маълумотлар, афсуски, кўпчилик китобхонларга ҳали нотаниш. Оддий китобхон учун адиб ҳаётининг ёки асарларидаги қаҳрамонлар ҳаётининг биз учун айнан қайси жиҳати муҳимлигини очик-ойдин кўрсатувчи нукталарни

хар доим ҳам топа олмаймиз (Буни юқоридаги мақола муаллифи жуда ўринли таъкидлаб ўтган). Ўқувчига эса, баъзан узундан-узок тасвирий воситалар ёки матний безаклардан кўра, мақсадни аниқ ва дангал кўрсатиб берадиган восита керак. Қодирий ҳаётда қандай инсон бўлгани, унинг буюклиги, асарларининг пишиқлиги, қаҳрамонларининг ҳаваста арзигулик бўлишининг асл илдизи қаерда эканини биз ўз фарзандимизга, хар бир китобхонга тўлиқ етказиб бера олаккигина улар маънавиятида озгина бўлса-да юксалиш ҳосил қила олган бўламиз.

Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарор муносабати билан жойларда

турли мавзулардаги тадбирларнинг ўтказилиши Қодирийшуносликнинг очилмаган муҳокаматалаб жиҳатларини ўрганишимизга замин ҳозирлади.

Ўқувчилар психологиясидан озми-кўпми хабардор бўлган педагог сифатида шуни ишонч билан айта оламанки, Қодирий қаҳрамонларини қадрлаган ўқувчининг қалбига қабохатга ўрин қолмайди! Бу буюк ижодкорнинг асарлари биз ўзбек халқи учун бир неъмат бўлса, авлодлари томонидан яратилаётган хотира асарлари хар биримиз учун улкан ҳаёт мактаби вазифасини бажаради. Ўқувчига адиб ҳаёти билан яқиндан танишиш имконини беради.

Маъсуда БОЛЛИЕВА,  
Қўшқўтёр туманидаги  
18-умумтаълим  
мактаби ўқитувчиси

# МАТБУОТ ЭРКИН БЎЛИШИ ШАРТ

Акс ҳолда дунё ҳамжамияти олдидан кулгига қолаверамиз

«Муаммога киришдан аввал Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини эркинлаштиришга Президентимиз раҳбарлигида кенг йўл очиб берилганини алоҳида таъкидлашни истардик. Ундан биз, журналистлар қай даражада фойдаланаётганимиз алоҳида масала. Демократия тамойилларига раҳбарлар ҳам ўрганаётгани, баъзи ҳолларда тушунмовчиликлар келиб чиқаётгани босқичма-босқич бартараф этилиши зарурати яна бошқа бир масаладир.

Куйида иккинчи мавзуга тегишли муҳим ҳужжат бора-сида фикрлашсак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари муассислигидаги даврий босма нашрларни қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори лойиҳаси муҳокама учун эълон қилинди.

Лойиҳадаги тахририят ва журналистларга молиявий кўмак бўладиган бандлар, жумладан, муассисларнинг даврий босма нашрлар тахририятлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бино ижарасининг 50 фоизини тежаш, тахририятлар ҳодимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш учун бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан старли миқдорда маблағ ажратиш, давлат муассасаси ва маҳаллаларда газетчилик кунларини ўтказиш каби қисмлари таҳсинга лойиқ.

Шу билан бирга, қарордаги аксар бандлар мазмуни мавжуд босма нашрлар низомларида аллақачон ёзиб қўйилган. Мисол учун, муассислар тахририятнинг бош муҳарририни тайинлаши, газеталар обунасини ташкил этишда яқиндан кўмаклашиши, ҳодимларни моддий ва маънавий рағбатлантириши, муқофотларга тавсия этиши аксарият нашрларнинг уставида ҳам, таъсис шартномасида ҳам белгиланган. Муассислар устив жамғармасидаги улущини газеталар фаолиятидан келган соф фойдасининг ўзига тегишли қисмини олиши, воз кечиши ёки мерос қилиб қолдириши мумкинлиги каби жиҳатлар ҳам кўп босма ОАВ низомларида бўлиши табиий.

Шу боис устави қайтадан рўйхатдан ўтказиш учун бош муҳаррирларнинг муассислар қабулхоналарида, уларнинг молиячиларию ҳуқуқшунослари ҳузурда саргайиши ошқичка юмуш, деб ўйлаймиз.

Мамлакатимиз раҳбари ҳар бир иш илмий асосда ташкил этилиши зарурлигини кўп бора такрорлаб келмоқда. Масалая шу нуқтага назардан ёндашганимизда муассис – давлат ташкилоти раҳбарлари имзоси билан амалга ошириладиган

ҳар қандай ёрдам келажакда газетани тахлил, танқидий мавзуларнинг кескин қамайтиришига олиб келади. Чоп этиладиган мақолалар фақат ютуқларни кўрсатишдан иборат бўлиб қолади. Бу ҳолатда тахририят ГАРБ давлатлари юз йил аввал воз кечган матбуотнинг авторитар назарияси асосида ишлашга мажбур бўлади.

Қолаверса, бундан бир неча ой аввал, адашмасак, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан киритилаётган ҳужжатда давлат тасарруфидан чиқариладиган қорхоналар қаторида босма ОАВ тахририятлари ҳам мавжуд эди. Вазирлар Маҳкамасининг бу қарори ўша ҳужжатни инкор этмайдими, деган савол ҳам туғилади.

Шу каби важдардан ва ривожланган демократик давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларимизни билдирмоқчимиз.

Мазкур масалани ҳал этишда ҳам демократик йўлдан бориш мақсадга мувофиқдир. Бунда ГАРБ матбуоти қўллаётган ижтимоий масъулият назарияси ёки биз тақлиф этаётган ахборотлашган жамият матбуоти назарияси талаблари асосида тахририятлар фаолиятини йўлга қўйиш лозим бўлади. Назариянинг қисқача мазмуни шундаки, ОАВнинг асосий мақсади – янгилик тарқатиш ва муаммони жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқиш.

Албатта, бундай назария ижроси учун Ўзбекистон сановати ривожланган, ахборотлашган даражадаги давлат бўлиши керак. Мақсад бор, шу йўналишда ҳаракатда эканмиз ОАВнинг эркинлашувига Ижро ҳокимияти орқали эмас, Қонун чиқарувчи ҳокимият Вазирлар Маҳкамасида кўмак бериш талаб этилади.

Бизда бу борада кичик бўлса-да, тажриба мавжуд. Олий Мажлис томонидан фондлар орқали турли грантлар ажратилиб тахририятларга муайян мавзунинг ёритишлари учун буюртма эвазига кичик миқдорда (30 миллион сўмгача) кўмак бериб келинмоқда.



Ахборотлашган жамият матбуоти назарияси талабидан келиб чиқадиган бўлсақ мазкур тажриба кенгайтирилади, яъни давлат буюртмаси қонуний ижросини таъминлаш (аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, коррупцияга қарши кураш, демократик тамойилларни тарғиб этиш ва ҳ.к.) нуқтаи назаридан шакллантирилади. Биринчи йили ажратилган грант мазмуни икки йўналишда бўлади:

– қонуний ва улар асосида қабул қилинган Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари моҳияти ва унинг ижро жараёни муштарийларга тушунарли тилда шарҳлаб берилади;

– юқорида таъкидланган ҳужжатлар ижроси бўйича журналист суриштируви ўтказилади, муаммолар муҳокамага олиб чиқилади.

Грант миқдори бугунги ҳисоб бўйича бир йил учун камида 300 миллион сўмдан кам бўлмашлиги керак. Дейлик биринчи йўналишда грант режасида Ҳаракатлар стратегияси асосида ҳукумат томонидан қабул қилинган дастурда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар моҳиятини шарҳлаб, муштарийларга етказиш белгиланган. Масалан, шу грантни олган «Ишонч» газетаси тахририяти ходимлари мутахассисларга мурожаат қилиб, оригинал услубда, халққа яқин тилда шарҳлайдилар, агар ҳужжат катта бўлса, бир неча шарҳлар уюштирилади. Ижро жараёни ёки бирор янгилик ҳақида йил давомида ахборотлар бериб борилади. Бунда ҳар бир шарҳ учун 1 миллион сўмдан калам ҳақи берилса, бир йил учун жами 50 миллион сўм ажратилади.

Иккинчи йўналишда белгиланган долзарб масалани бир ойда ўрганиб, жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш грант режасига киритилган бўлади. Демак, бир йилда 12 та суриштирув ўтказилади. Журналист суриштируви мураккаб жанр бўлганлиги учун бир мақолага камида 5 миллион сўм қалам ҳақи ажратилади – бир йилда эса 60 миллион сўм бўлади. Газетанинг электрон сайтини такомиллаштириш учун 100 миллион сўм, тахририятни сўнгги русумдаги ахборот технологиялари билан таъминлаш ва бошқа зарурий харажатларга 50 миллион сўм ажратилади.

Бунинг учун юқорида тақлиф қилинаётган қарор бўйича ажратиладиган маблағлар муассис эмас, балки юрт таракқиёти йўлида қонуний чиқариладиган ва ижро ҳокимиятини маълум маънода назорат қиладиган юқори орган – Олий Мажлис томонидан йўналтирилади.

Энди газета-журналларга бериладиган бундай буюртмалар ва унинг ижроси натижасини тасаввур қилиб кўрин. Энг тажрибали ва шижоатли журналистлар яна матбуотга қайтади, эркин журналистика ривож топади, матбуот нашрлари ҳозирги бўҳрондан омон ўтади. Бундан, аввало, қонуний тарғиб этилган ва унинг ижросидаги камчиликларни эртароқ англаб, уни бартараф этган давлат ва жамият ютади, аҳоли хабардорлиги ошади, коррупционерлар ҳар бир қаддини ўйлаб босади, алаокибат, халқро эътирофга сабаб бўлади!..

Дунёда бундай тажрибалар кўп. Масалан, АҚШ Сенати, Англия парламентлари томонидан ахборот учун ҳатто, ўзга давлатлар ОАВ учун ажратадиган жуда катта миқдордаги маблағлар уларнинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Негиз биз ўз юртимиз равнақи учун маблағни тежашимиз керак?

Фурсатдан фойдаланиб соҳа ривожига эътибор бериладиган

яна икки муҳим жиҳатга тўхтамоқчимиз.

Биринчиси, нашрлар нархини оширадиган қоғоз ва бошқа матбаа маҳсулотларининг халқро биржа белгилайдиган нархларда, айнан ҳукумат (биринчи қўл) олиб кириб (бузининг 10-20 фоиз даромадини ҳисобга олиб албатта) тахририят ва матбаа ташкилотларига (бошқога сотиш тақиқи билан) сотади. Бундай тажриба, масалан, Хиндистонда мавжуд. Матбуот соҳаси мафкуравий аҳамиятга эга бўлгани бис бозор талаблари бузилса иктисодимизга путур етмайди. Энг муҳими, қорчалонлар бу бизнестан умидини узиб, кабинетда ўтириб, олиб-сотишга эмас, юрт учун зарур бўлган бирор ишлаб чиқаришга берилади, газета-журнал қоғози нархлари бир меъёрга бўлади, муштарийни ҳам, тахририятни ҳам қийин аҳолга солиб қўймайди.

Иккинчиси, даврий матбуотни тезкор тарқатиш йўналишидаги камчиликларни бартараф этиш масаласидир. Холис ахборот етказиш ҳам давлат сиёсати даражасидаги масала бўлганлиги учун «Ўзбекистон почтаси» ва давлат улущи бўлган «Матбуот тарқатувчи» қорхоналаридаги муаммоларни бартараф этиш ўта муҳимдир. Ушбу соҳани давлат сиёсати даражасида ислох қилиш, зарур маблағ ажратиш, ижросини назоратга олиш фурсати аллақачон этилган.

Юқоридаги фикрларга ҳулоса қиладиган бўлсақ, АОКА томонидан киритилаётган қарор номини «Ахборот соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида даврий босма нашрлар фаолиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» тарикасида ўзгартириб, унинг мақомини Олий Мажлис даражасига кўтариш тақлифини киритамиз.

Ҳалим САИДОВ,  
филология фанлари  
номзоди, доцент

**Ижтимоий масъулият назарияси ёки биз тақлиф этаётган ахборотлашган жамият матбуоти назарияси талаблари асосида тахририятлар фаолиятини йўлга қўйиш лозим.**

# МАЪНАВИЙ БАҲРАМАНДЛИК

ёхуд «Хайратул аброр»даги бир ҳикоят хусусида

**«Б**адий ижодда нимани ва қандай ёзиш керак, деган савол қалам аҳлини бирдай қизиқтирадиган масаладир. Бу саволга ҳар бир ижодкор ўзича жавоб излайди ва топади. Жавоблар ижодкор яратган бадий асарларда акс этади. Асарни ўқир эканмиз, ижодкор ижод моҳиятини қандай ва қай даражада англаб етганини илға оламиз. Ҳазрат Алишер Навоий асарлари инсоният тамаддунида яратилган бадий ижоднинг энг сара намуналари десак, ҳеч бир муболага қилмаган бўламиз. Навоий асарларини ўқиб ўрганиш ҳар гал шундай хулоса чиқаришга асос беради.

«Хайратул аброр» дostonидаги маколотларда «руҳий тарбия» илмига онд юксак инсоний фазилатларнинг поэтик талқини баён қилинади. Хусусан, иймон, адолат, сидқ, қарам, адаб, қаноат, вафо, ростлик, илм, нафрасонлик (*бошқаларга фойда етказиш*) каби фазилатлар инсоннинг асл инсонийлик моҳиятига далолат қилиши ҳақида фикр юритилади. Асарда келтирилган юксак ва олийжаноб фазилатлар фақатгина мутафаккир шоирнинг ҳаётда учраши мумкин бўлмаган, инсоният учун қўл етмас эстетик идеаллари эмас. Балки уларнинг барчаси воқеликда мавжуд, ҳазрат Навоийгача яшаб ўтган ёки муаллифга замондош бўлган реал тарихий шахсларнинг гўзал ахлоқ намуналаридир. Асарда келтирилган ҳикоятларда аксарият ҳолларда ана шу конкрет тарихий шахслар ҳаётидаги бирон воқеа қаламга олинган.

Алишер Навоий чин ихлос ва покза иймон тақозоси сифатидаги рост сўзнинг инсон ахлоқига таъсири масаласини нозик талқин этган. «Хайратул аброр»нинг бир неча ўринларида худди шу ҳолатнинг гувоҳи бўламиз.

Дostonнинг бошқаларга фойда етказиш ҳақидаги «Саҳобек нафрасонлар боби»да, аввало, инсон ўзига берилган инъомларни бошқалар билан бирга баҳам кўриши, имкон қадар атрофидагиларга хайру саховатпеша бўлиши шартлиги ҳақида сўз юритилади. Навоий талқинича, инсон биринчи навбатда, ўзига берилган неъматларга шукр қилиши зарур. Бу ҳақда ҳазрат Навоий:

*«Ушбу бийик мартаба қадрини бил,  
Бўйла улуг манзала шукрини қил»*

дейди. Шу билан бирга, шукр қилиш қандай бўлиши ҳақида ҳам аниқ тушунчалар беради.

*«Шукр недир – наф фузун айламак,  
Базл камандини узун айламак.  
Бўлмоқ агар кўп эса ҳам базлсоз,  
Бергали ор айламамак бўлса оз...»*

Яъни шукр қилиш дегани инсон ўзига берилган инъомлардан истеъфода этиб, фақат оғиздагина неъмат бергани эътироф қилиш эмас, балки ана ўша ўзига берилган неъматлардан бошқаларни ҳам баҳраманд қилишга интилишдир. Бу иш мол-мулки кўпчилигида унга хирс кўймасдан ёки кам нарсани бошқаларга беришни ор билмасдан амалга оширилиши лозимлиги таъкидланади.

Агар инсоннинг ўзида бирон нарса бўлмаса, бошқаларга нима бериши, қандай яхшилик қила олиши мумкин, деган саволга ҳам Ҳазрат Навоий ўз ўрнида

жавоб берганлар. Яъни:

*«Хайр муяссар гар эмас эл била,  
Наф теғурмак ҳам ўлур тил била.  
Ганж бериб бўлмас экин тутса кўз,  
Улча қилур вақтида бир яхши сўз.»*

Ҳақиқатда, бирон нарса билан ёрдам бериш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермаслиги мумкин ва бу табиий ҳол. Аммо ёрдам илинжидаги инсонга ҳамма қила олиши мумкин бўлган яна бир яхшилик бор. Ким агар қўли билан яхшилик, ёрдам қила олмаса, тили билан – яхши ва фойдали сўзи, маслаҳати, панд-насихати билан ёрдам беришга (*агар истаса*) имкон топа олади.

Ҳазрат Навоий таъбирида, инсон муаззам бир дарахтга киёсланса, унинг хосили сўздир. Лекин у шунчаки сўз эмас. Инсоннинг қалб қўрида пишиб етилган, унинг моддий ва маънавий киёфасини ўзида акс эттира оладиган, одамнинг феъли билан йўғрилган чинакам таъсирчан ва тирик ҳодисадир. Сўз билан берилган ёрдам ўрни келганда ҳисобсиз мол-дунё билан берилган ёрдамдан афзал бўлиши мумкин. Чунки сўз Навоий таъбирида «ўлимдан нажот» ҳамда «ўлик танга ҳаёт» берувчи восита ҳисобланади.



дан туриб, ўғрига мурувват кўрсатади ва эшикни очиб беради. Шайхнинг бундай муносабатидан қаттиқ таъсирланган ўғри шайхнинг олдига тавба қилади ва ўзининг ноҳўя ҳолатини ислоҳ этади.

Одатда бирон номаъқул ишни кўрган киши биринчи галда уни инкор этади. Инкор инкор этилувчи учун худди сув оловни алангалантиргандай вазиятга зид таъсир қилиши мумкин. Ёхуд қуруқ панд-насихатга ўтилади. Бу ҳам ҳаммаша ва ҳаммага қутилганидек натижа бериши қийин. Бундай пайтда Айюби Халаф учинчи бир йўлни тутди. Ўғрини жазолаш, инкор қилиш, айблаш, камситиш йўлидан бормади. Бир адашган, бечора ва гумроҳ кишига инсонийлик нуктаи назаридан муносабатда бўлди. Уни ин-

**Ўғрининг олиб кетишга уринган, лекин олиб кетолмаган нарсалари эса, дунёдаги моддий бойликлардир. Ҳазрат Навоий инсон бу дунё хужрасидан ҳеч қандай моддий нарса олиб кетолмаслигига, бу иш имконсиз эканига ишора беради.**

Агар яхшилик қилишда инсон шунга, яъни яхши сўз айтишга ҳам имкон топа олмаса, ёрдамга муҳтож кишига нисбатан қалбда бир инсонийлик туюши зарур. Бошқалар муваффақиятидан қувониши, дардига шерик бўлиш ҳам ўзига хос кўмак аслида.

Навоий асарларида инсонга мол-дунё, мансаб-мартaba, илм, насл-насаб ёки бошқа тафовутлардан келиб чиқиб эмас, аввало, инсонлиги ва инсонийлиги нуктаи назаридан баҳо берилди. «Хайратул аброр»да келтирилган «Айюби халаф ва нохалаф ўғри» ҳақидаги ҳикоятда айна шу ҳолатни кўриш мумкин.

Ҳикоятда шайх Айюб кечаси ўз хужрасида ибодат билан машғуллигида бир ўғри лаҳм қавлаб хонага кириб келади. Хонадаги қўлга илинадиган ҳамма нарсаларни олиб, қайтиб кетаётганида юклари билан лаҳмга сигмай қолади. Бу ҳолни тўғри англаган шайх Айюб ўрни-

сон сифатида тўғри тушунди ва эшикни очиб, ёрдам берди...

Шу ўринда нозик бир нуктага аҳамият қаратиш зарур.

Ҳикоятни ҳақиқий маънода – фақатгина ҳаётини воқеликни поэтик акс эттириш натижаси сифатида ўрганиш ҳам мумкин. Бунда ўқувчи бир пайтлар тарихда икки киши орасида бўлиб ўтган кичик бир воқеа ҳақида маълумотга эга бўлади, ҳолос. Ундан ўзига яраша хулоса чиқариши, ўрнат ё ибрат олиши ҳам мумкин. Аммо асарга бадий адабиёт қонуниятлари, хусусан, Алишер Навоий ижодий методи принципларида келиб чиқиб ёндашилса, янада кенгрок маънолар қатламига дуч келамиз.

Ҳазрат Навоий асарларида қаламга олинган реал тарихий воқелик бир вақтининг ўзида мажоз сифатида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бунда кўзда тутилган маъно ва моҳият фақат келтирилган

тарихий воқеани ифода этиш билангина чекланиб қолмайди. Ҳикоятдаги воқелик мажозий маънода тушунилса, у горизонтал ва вертикал жиҳатдан чексиз кенгайиб борувчи маъно қўламага эга экани маълум бўлади. Бир қарашда фақат биргина тарихий воқеликни акс эттираётган поэтик ҳодиса айни пайтда барча замон ва маконлар учун хос бўлади ҳамда ўша ҳар бир замон, макондаги ўқувчини ўзига сиғдира олувчи поэтик формула вазифасини бажаради. Энг муҳими, барча сатҳларда ўқувчи руҳий-маънавий савиясини кўтариш ва юксалтиришга хизмат қилади.

Ҳикоятдаги «Айюби халаф», «тун зулмати», «ибодат», «хужра», «ўғри», «лаҳм», «ўғриланиб қопга жойланган нарсалар», «эшик», ҳамда «тавба» – буларнинг барчаси мажозий характердаги воситалардир. Шу жиҳатдан, мазкур ҳикоятдаги «эшик» фақатгина хужрадан чиқиш эшиги эмас, мажозий маънода йўлни йўқотиб қўйган кимсаннинг барча муаммолар гирдобидан чиқиш эшиги ҳам эди. Айюби Халаф образи – ҳар қандай ҳолатда инсонни тўғри тушуниб, саодат йўлини кўрсата олувчи шахс. Ўғри – ҳаётда муаммолар гирдобидан қолиб, йўлни йўқотган ҳамда йўлсизлик зулматида ўзига «нораво йўл» топиб олган, адашган бир банд образи. Ўғрининг олиб кетишга уринган, лекин олиб кетолмаган нарсалари эса, дунёдаги моддий бойликлардир. Ҳазрат Навоий инсон бу дунё хужрасидан ҳеч қандай моддий нарса олиб кетолмаслигига, бу иш имконсиз эканига ишора беради. Шу билан бирга, инсон мазкур «хужра»га келиб топгани ва ўзи билан олиб кетгани (*тавба*) олиб кетишга урунгани (*моддий бойликлар*)дан афзаллиги; маънавий баҳрамандлик билан инсоннинг кўнгли чинакам хузур-халоватга етишиши; шу орқали инсон ва умр моҳиятини англашга муяссар бўлиши ифода этилади.

Инсон то тирик экан, ҳаётда турли йўлсизлик-чорасизликларга учраши бор гап. Лекин бундай вазиятдан қандай чиқиб кета олиш баъзан катта муаммога айланади. Шундай чоғда инсонга суянч бўладиган, кўнглини тушунадиган, тўғри йўл кўрсатиш билан ёрдам бера оладиган бир елкадош зарур бўлади. Ҳикоятдаги Айюб образи фақатгина йўл кўрсатувчи эмас, инсон қалбидаги ички маънавий хасталикларни даволай оладиган мохир табиб ҳамда мураббий сиймосида акс эттирилган. Айюби халафнинг тутган йўли бир инсон ҳаётини энг тўғри ўзанга солиб юборган энг самарали усул эди.

Демак, ҳазрат Навоий ижодида сўз фақат қуруқ панд-насихатдан иборат эмас. У инсониятга ўрнат бўлувчи чинакам ҳаётини жонли мисолларда муҳассамлашишдан ташқари асл инсон – «аброр одам»нинг қалби, амали ва тили беришининг нишонаси сифатида юзага келган. Қалб ва амал бирлиги сўз учун мустаҳкам икки асос вазифасини ўтайди. Шу сабабдан у барқамол таъсирчанлик хусусиятига эга.

Навоийни ўқиш, у зот ижодини ўрганиш орқали ҳаётимиздаги бир қанча муаммолар гирдобидан чиқиш учун ҳар бир инсон ўзига муносиб йўл топа олади. Навоий асарлари бизни сўз воситасидаги ана шу саодатга томон йўналтиради. Таълим-тарбия ва ҳақиқий ислоҳ қандай бўлиши кераклигидан дарс беради. Шу каби жиҳатларни мулоҳаза қилсак, ҳазрат Навоий ижоди ҳар бир давр учун ўта муҳим ва долзарб аҳамиятга эгаллигига амин бўламиз.

Гулом БОБОЖОНОВ

« Яқинда Россия ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Мария Захарованинг ОАВ учун брифингда бутун бир халқнинг она тилига нисбатан беписандлик ва беҳурматлик билан билдирган муносабатини ўқиб, беихтиёр «уятсизлик ҳам эви билан-да» деган гап кўнглимдан ўтди.

## ХАЛҚ ҚАЛБИ БИЛАН ҲАММАШМАНГ!

Машҳур шоиримиз Абдулла Ориповнинг:

*Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз,*

*Унда миллат яшар, унда тил яшар...*

деган сатрлари бор. Мария Захарованинг она тилимизга бундай муносабати, наники, инсон қалби, балки бутун бир халқ қалби билан ҳазиллашишдан бошқа нарса эмас. Андишасиз ҳазил бу – мазах. Ҳар бир одамнинг иззат-нафси бўлгани каби миллатнинг ҳам иззат-нафси бўлади. Бизда иззат-нафсга тегиш – ор-номусга тегиш билан тенг. Ахир Ўзбекистонда бир халқ турибди, бир Ватан турибди, бир мамлакат турибди. Бир давлатнинг ички ишларига, айниқса, давлат тили масаласидаги ишларига сурбетларча четдан аралашининг ўзи катта маданиятсизлик эмасми? Бундан тажовуз ҳиди келади. Ташқи ишлар вазирлигининг расмий халқаро ҳуқуқий мезъорлардан, бошқа давлатлар суверенитетини ҳурмат қилиш масаласидан хабардорми, ё у атайин буларнинг қўлидан нима келарди деб шундай қилаётганими? Халқнинг масалага муносабатини, кайфиятини билмасдан туриб, неча минг чақирим олисдан ёмон фолчидай алжираб, калласига келган гапни айтиш расмий вакил учун уят эмасми? Ҳолбуки, Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми, ҳатто, 90 фоизи десак ҳам муболага қилмаган бўлаемиз, Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган давлат тилида иш юритишни таъминламаганлик учун мансабдор шахсларга жавобгарлик белгиланган Қонун лойиҳасини маъқуллайдилар. Билиб-билмай халқ устидан дуч келган гапни гапирини шу халққа ҳурматсизликдир. Мария Захарова гапларига кўра, гўё билдирилаётган фикрларнинг аксарияти рус тилининг расмий мулоқотда сакланиб қолиши кўпсонли Ўзбекистон фуқаролари манфаатларига тўла мос келар эмаш. Ол-а! Ахир бу ғирт ёлғон-ку. У бундай маълумотни қаердан олди? Қайси статистика идораси хабарига асосланиб, у шундай деяпти? ТИВ расмийси кўчанинг одами эмас-ку, қаҳвахонада ўтириб олиб, оғзига келган гапни асосиз гапирарверса. Қолаверса, бу қонун лойиҳаси муҳокама мустақил Ўзбекистонда бўлаётгани ё Захарованинг идорасидами? Ахир бу масалани Ўзбекистон халқи ҳал қилади-ку.

**Ҳар бир одамнинг иззат-нафси бўлгани каби миллатнинг ҳам иззат-нафси бўлади. Бизда иззат-нафсга тегиш – ор-номусга тегиш билан тенг. Ахир Ўзбекистонда бир халқ турибди, бир Ватан турибди, бир мамлакат турибди.**

Биз иззатгалаблик қилмаймиз. Бировнинг таъма-ю фитнага тўла иззати керак ҳам эмас. Биз ўз она тилимизнинг тўла ҳуқуқли Давлат тили бўлишини истаймиз. Худди Россиядаги каби, Англиядаги, Франция, Туркиядаги ва бошқа давлатлардаги каби... Нима учун бу кимларгадир ёқмайди? Биз химоя қилсак адолатсизликни ё ўравонликни эмас, ўз она тилимиз манфаатларини химоя қилаемиз. Бутунги глобаллашув замонида ҳар бир халқ учун тилни химоя қилиш Номусни, Ватанни, Келажакни химоя қилиш даражасига чиқди. Ўзини билган ҳар бир халқ учун, ўзини билган ҳар бир давлат учун шундай бўлди! Демак, бундай вазиятларда бир тан, бир жон бўлишимиз керак. Карвонимиз турли таҳдидлардан омон ўтиши фақат ўзимизга боғлиқ. Қаддимиз ҳам қадримиз ҳам баланд бўлсин!

Президентимизнинг ўтган йили 21 октябрда имзолаган «Ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, яқиндагина «Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида» имзоланган Қонун, шу кунларда қутилаётган Олий Мажлисда «Ўзбек тили тўғрисида»ги Қонуннинг янги, замонавий тахрирдаги муҳокама ва шу каби эзгу ишларнинг барчаси халқимизга катта умид ва ишонч бағишлайди.

Эшқобил ШУКУР,

шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

« Адлия вазирлиги томонидан шу йил 24 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокама порталига қўйилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 42-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама ниҳоясига етди.

### Халқ билан бамаслаҳат

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 42-моддаси «давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» тўғрисида бўлиб, унга кўра, фуқароларнинг тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлашдан иборат ҳуқуқларини бузиш, тилдан фойдаланишда тўқсонлик қилиш ва чеклаш, давлат тилини, шунингдек Ўзбекистон Республикасида яшовчи бошқа миллатлар ва элгаларнинг тилларини менсимаслик – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши кайд этилган.

Адлия вазирлиги томонидан таклиф этилган лойиҳада мазкур моддани қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш назарда тутилмоқда:

«Давлат органлари ва ташкилотларида иш юритишда давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик, – мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади...»

Яқин ўртада бирорта қонун лойиҳаси бундай қизгин баҳс-мунозара ва таклифларга бой бўлмаган эди. Пандемия сабаб жорий этилган карантинга қарамай, муҳокама портал доирасидан чиқиб, ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари, давраларда фаол давом этди. Лойиҳа хорижий оммавий ахборот воситаларининг эътиборидан ҳам четда қолмади. Жараёнда мамлакатимизда ва чет элларда истиқомат қилаётган турли миллатлар, элатлар вакиллари, касб ва ҳунар эгалари катнашди. Ўз фикрини айтди. Ўн беш кун мобайнида лойиҳа билан қарийб 13 минг киши танишиб, 641 таклифи илгари сургани бунинг яққол тасдиғидир.

Бу – Президентимиз Шавкат Мирзиёев

# ТИЛ

## Муҳокама

томонидан мамлакатимизнинг янги тарихида собитқадамлик ва очиклик асосида, халқ билан бамаслаҳат амалга оширилаётган ислохотларнинг, барча соҳаларда эркинлик ва демократия, омма билан мулоқот кенг йўлга қўйилганининг самарасидир.

### Эҳтиёж фарзанди

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси давлат органларида иш юритишнинг тўлиқ давлат тилида олиб борилишини таъминлашга, бу масалада мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга ва давлат тилининг ривожланиши ҳамда унга бўлган эътиборнинг юксалишига хизмат қилади. Лойиҳани тайёрлашда вазирлик бир қатор хорижий мамлакатлар, жумладан, Европа давлатларининг ижобий тажрибасига таянган алоҳида таъкидланган.

Порталдаги муҳокама иштирокчиларининг мутлақ кўпчилиги лойиҳани астойдил қўллаб-қувватлаган. Уларнинг фикрича, мажбурият юқловчи бу нормани аслида аллақачон – «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган пайтданок жорий этиш керак эди.

«Ўзбекистонда давлат тили 1989 йилдан бери ўзбек тили, – деб ёзади Ф.Мусаева. – Аммо давлат тилида иш юритмаганлик учун жавобгарлик белгиланмаганлиги боис, хали-ҳамон жойларда идора ишлари бемалол рус тилида олиб борилаётган. Ўзим ишлаган корхонада баъзан юқори ташкилотдагилар ҳисоботларимизни рус тилида талаб қилишди. Бу «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг бузилиши эмасми? Фикримча, давлат тилида иш юритмаганлик учун жавобгарлик белгиланса, раҳбарларнинг масъулияти ошади. Фуқароларда ўзбек тилини ўрганишга эҳтиёж ва иштиёқ пайдо бўлади. Ўзбек тилининг нуфузи юксалади. Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрда қабул қилинган «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида ҳам айтиш мумкин шу вазифа белгиланган».

А.Садридинов шундай ёзади: «Қонуннинг ижросини таъминлашда жавобгарликнинг жорий этилиши – жуда самарали чора.

Таклиф этилаётган лойиҳада «давлат органлари ва ташкилотларида иш юритишда давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари



Давлат тилида иш юритмаганлик учун жавобгарлик белгиланмаганлиги боис, хали-ҳамон жойларда идора ишлари бемалол рус тилида олиб борилаётган. Ўзим ишлаган корхонада баъзан юқори ташкилотдагилар ҳисоботларимизни рус тилида талаб қилишди. Бу «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг бузилиши эмасми?



# МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

## • қандай ўтди ва нималарни кўрсатди?

талабларига рияз этмаслик» аниқ ифодаланган. Аммо 42-моддадаги «менсимаслик» тушунчаси мавхум. Қандай ҳаракатни ёки ҳаракатсизликни «менсимаслик» деб аташ мумкин? Давлат идораларида ҳужжатларнинг бошқа тилда юритилишиними? Давлат тилидаги мувожаатга бошқа тилда жавоб берилишиними? «Менсимаслик» тушунчасига қонун тилида изоҳ берилса, яхши бўлар эди.

«Менсимаслик» ибораси М.Йўлдошевнинг ҳам эътирозига сабаб бўлибди: «Агар мақсад, ҳақиқатан ҳам, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги макomini мустаҳкамлаш бўлса, моддадаги «шунингдек Ўзбекистон Республикасида яшовчи бошқа миллатлар ва элатларнинг тилларини менсимаслик» каби муҷмал жумлалардан воз кечиш керак».

«Авалло, шу қунларга етиб келганимиз учун шуқоралар айтаман, – деб ёзади А.Зоҳидов. – Қонун лойиҳаси жуда-жуда долзарб. Истардимки, барча соҳада давлат тили амалда жорий этилса. Мазкур лойиҳанинг қабул қилиниши мустақил давлатимиз тилининг янада сайқал топиши, ривожланиши ва халқаро миқёсда ҳам ўз ўрнига эга бўлишида муҳим қадам бўлади. Токи ҳар бир ватандошимиз давлат тилини билишга, давлат тилида иш юритишга ва давлат тилини ҳурмат қилишга табиий эҳтиёж сезсин».

### Мақсад ва рағбат

Қонун лойиҳасига ўзининг самимий тақдирларини билдирганлар орасида бошқа миллат вакилларининг кўпчилиги қувонарли хол.

Хусусан, К.Далабаевнинг фикрича, «давлат тилини ўрганишни рағбатлантириш учун мусиқа санъати, фильмлар, телесериаллар, бадий адабиётлар имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш зарур. Рус ва инглиз тилларидаги сифатли фильмларни танлаётгани учун ёшларни айблаб бўлмайди. Чунки аксарият миллий фильмларимиз майда маззулар атрофида ўраллашиб қолаётир. Ҳуқуқшуносликка оид кўплаб атамаларнинг ўзбекча муқобиллари ишлаб чиқилмаган. Қолаверса, қонунчиликка давлат тилини ва бошқа тилларни билгани учун рағбатлантиришга доир қондаларни киритиш ҳам фойдадан холи бўлмайди».

«Ушбу қонун лойиҳасининг тақлиф этилиши жуда адолатли иш бўлибди! – деб ёзади муҳокамага Украинадан туриб кўшилган Давид. – Мен ўн йил Россияда ўқидим ва ишладим. У ерда барча иш рус тилида юритилади. Шундай бўлиши ҳам керак. Россияда яшашни истайсизми, марҳамат, рус тилини ўрганинг. Тақдир тақозоси билан сўнгги беш йилда Украинада яшаб турибман. Ўзимни бу ерда ҳам бегона ҳис қилаётганим йўқ. Чунки украин тилини ўргандим. Бу – мен яшаётган давлатнинг тили. Уни билишим шарт. Дейлик, АКШда яшасангизу, инглиз тилини билмасангиз ёки ўрганишни истамасангиз, давлатнинг қонун-қондаларини ўзингизнинг таъбингизга қараб ўзгартиришни талаб қила олмайсиз-ку».

### Жарима: озми – кўп?

Ш.Турсунбаевнинг фикрича, бир ташкилотда бир нечта мансабдор шахс

бўлиши мумкин. «Шунинг учун, – деб тақлиф қилади у, – қонун лойиҳасидаги «мансабдор шахс» тушунчасини, меҳнат муносабатларига оид қонунчиликка мувофиқ, «иш берувчи» деб ўзгартириш тўғри бўлади. Сабаби, давлат тилида иш юритиш ёки юритмаслик иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларда аниқланади. Меҳнатга оид қонунчиликда «иш берувчи» ва «ходим» муносабатларига ҳуқуқий баҳо берилган. Мансабдор шахс иш берувчи бўлмастлиги мумкин.

Агар мансабдор шахсларга жавобгарлик белгиланса, унда ходимга нисбатан ҳам шундай қоида қўлланиши зарур. Шунда, қонунга рияз этмаган мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, ходимларга эса икки бараваридан беш бараваригача жарима қўзда тутилиши мантқиққа мос бўлади.

Лойиҳада фақат давлат органлари ва ташкилотларига нисбатан мажбурият белгиланган. Тақлифим: «ташкилотларда» деган сўздан кейин «ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларда» деб қўйиш керак».

Ш.Мусаевнинг қайд этишича, «давлат тилини ривожлантириш борасидаги ишлар мантқиқий изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинганнинг 30 йиллиги нишонланди. Вазирлар Маҳкамаси тарқибда Давлат тилини ривожлантириш департаменти тузилди ва фаол ишга киришди. 21 октябрь «Ўзбек тили байрами кунини» этиб қонун билан белгиланди. Энди давлат тилида иш юритишнинг ҳуқуқий мажбурияти белгиланяпти. Бундай хайрли ишларни янада қатъият билан давом эттириш керак».

*«Менсимаслик» ибораси М.Йўлдошевнинг ҳам эътирозига сабаб бўлибди: «Агар мақсад, ҳақиқатан ҳам, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги макomini мустаҳкамлаш бўлса, моддадаги «шунингдек бошқа миллатлар ва элатларнинг тилларини менсимаслик» каби муҷмал жумлалардан воз кечиш керак».*

«Франция аҳолисининг 51 фоизи француз тилидан бошқа тилда гаплашади, – деб ёзади порталда Ш.Соатов. – Конституциясида эса фақат француз тили давлат тили деб белгиланган. Француз тилини маданий ёдгорлик сифатида сақлашга мамлакат Маданият вазирлиги масъул. Расмий иш юритиш фақат француз тилида».

1994 йилда қабул қилинган Тубон қонунида давлат ташкилотлари томонидан иш юритиш истисносиз француз тилида олиб борилиши, атамаларнинг французча муқобили турганда, бошқа тилдагисини ишлатиш тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилган.

Мазкур қонунни бузиш жисмоний шахсга 700 евро, юридик шахсга 3750 евро жарима солинишига сабаб бўлади. Бошқа тилда пешлавласи ёки ёрлиги ёзилган мулк мусодара қилиниши ҳам мумкин. 2006 йилда шу қонунни бузгани учун Американинг Gems компанияси 600 миң евро жаримага тортилган.

Бизда-чи? 1989 йили «Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинганидан буён ўтган қарийб ўттиз бир йил мобайнида на уни бузганга жавобгарлик, на ижросини назорат қилувчи ташкилот

ва на амалга ошириш механизлари белгиланган».

Қ.Йўлдошевнинг фикрича, мансабдор шахсларнинг давлат тилига оид қонунларга рияз этмаслиги базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача жарима солишга сабаб бўлиши керак. Бу жарима ташкилот ҳисобидан эмас, раҳбарнинг ўз ҳисобидан тўланиши қўзда тутилиши шарт. Айни қоидабузарлик такрорланса, жавобгар шахс лавозимини тарқ этиши лозим».

### Излаган имкон топади

Қонун лойиҳасининг қабул қилинишидан ташвиш билдирганлар ҳам йўқ эмас. Р.Ўрмутовнинг қайд этишича, «ушбу лойиҳа тасдиқланиб, қонун қучга кирса, айрим раҳбарларга қарши ишлатилиши мумкин. Масалан, идорада бирорта техник йўриқнома рус тилида «топилиб қолса», «хушёр» ходим тегишли органга хабар беради ва ўша ташкилотнинг раҳбарига жарима солинади. Давлат тилини ривожлантириш учун аҳоли айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлиқни кенгайтириш зарур».

А.Гревова «давлат тилини ўрганишни истайдиган фуқаролар учун бепул курслар очиш мақсадга мувофиқ, – деб ҳисоблайди. – Ҳозир фаолият юритаётган уч ойлик пулли курслар на тайинли услубиятга, на самарага эга».

«Афсус, – деб ёзади Р.Махсудов, – қўлба иктидорли танишларим чет элларга кетиб бўлишди ёки шундай тараддудга тушиб қолишган. Сабаби – давлат тилини яхши билмаслигида. Ҳар ҳолда улар шундай ўйлашади. Ҳадеб тил билмаслигини юзига солавериниша, бошқа нима ҳам қилишсин. Жазо бел-

«Сен» (Thou) ўрнига «Сиз» (You) қўллана бошлаган».

Порталга ўз фикрларини ўзбек ва рус тилларида ёзган С.Насретдиновнинг айтишича, «Ўзбекистонни ўзининг Ватани деб билган, лекин мазкур лойиҳадан хавотир билдириб, «кетаманга тушиб қолган» айрим юртдошларимизнинг важдари мени жуда ажаблантиради. Аслида улар бошқа мамлакатга кетганларида «хам, ўша давлатнинг тилини ўрганишга мажбур бўлишади-ку».

«Жарима тўлашга қимнинг тоби бор? – дейди А.Бирюкова. – Қонун барчага баравар. Мен давлат тилини ўрганишни жуда-жуда истаيمان, лекин бундай билим берадиган курсни излаш беҳуда. Қайси тилда билим бераётганидан қатъи назар, миллий таълим тизимимиз эса жуда оқсаб қолган».

Таъкидлаш ўринлики, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 3 мартдаги қарорига биноан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузурда Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ташкил этилиб, минтақаларда унинг ҳудудий бўлинмалари фаолият юритмоқда. Вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва ҳўжалик биланшаруа хўжалик маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларида тўлов шартнома асосида ўқитилади. Иш жойида ажралган ҳолда таълим олаётган тингловчилар учун ўқиб даврида асосий иш жойидаги лавозими ва ўртгача ойлик иш ҳақи сақланади.

Қайд этилганларга қўшимча сифатида яна айтиш мумкинки, биргина zluoz.com порталидан ўзбек тилига оид минглаб ўқув қўлланма, луғат, қомус, бадий ва махсус адабиётларни топиш мумкин.

### Гап – эҳтиёж ва интилишда

«Уч-тўрт йил олдин Туркияга борган эдим, – деб ёзади В.Қодиров. – Ўша ерда яшаётган, асли ўзбекистонлик 35 ёшлардаги рус аёл билан гаплашиб қолдим. Бемалол туркча гаплашаётганини кўрдим. Лекин мен ўзбекча гапирсам, рус тилида жавоб қайтарди. «Ўттиз беш йил Ўзбекистонда яшаб, ўзбек тилини ўрганмаган экансиз. Бир йилда туркчани қандай ўрганингиз?» деб сўрадим. «Билмадим, ўзбекчани ўрганиш учун эҳтиёж туғилмаган, шекилли», деб жавоб қилди».

### Адибнинг хуштаги

Бундан қарийб олти йил бурун атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор: «Нима учун кўча ҳаракати қондасини бузган кишига милиция хуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузаётган одамларга ҳеч қандай хуштак қалмайди?» – деб надомат билан ёзган эди.

Айни ўқиниқ отам замонидан қолган патифоннинг пластинкасидек давралару оммавий ахборот воситаларида айлангани-айланган: «Нима учун хуштак қалмайди?»

Бу орада «Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинди. Халқимиз мустамлака зулмидан озод бўлиб, истиклолга эришди ва мустақил тараққиёт йўлига дадил қадам қўйди.

Саволга эса ҳамон аниқ жавоб йўқ.

Адли вазирлиги томонидан тақдим этилган мазкур қонун лойиҳасининг мамлакатимиз парламенти томонидан қабул қилиниши ушбу дарди саволга жавоб бўлса, ажаб эмас.

# «Нукус Балиқ» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

**Бутун Ўзбекистон аҳлини қутлуғ айём – Рамазон  
ҳайити байрами билан муборакбод этади!  
Ҳайит айёми ҳар бир хонадонга  
тинчлик-хотиржамлик, қут-барака ва фаровонлик  
олиб кирсин. Меҳр-оқибат ва саховат фазилатлари  
ҳаётимизни безаб турсин. Қалбларга қувончу  
шодликлар улашсин!**

**Осмонимиз мусаффо бўлсин!**





# ЯРАТУВЧАНЛИК ВА



«Амударёмахсусвулдрат» масъулияти чекланган жамиятининг кўп сонли жамоасининг шиори доим бир хил: «Одамларнинг оғирига ярайлик, мушкулликларини ари тайлик, ернинг умрини узайтирайлик – биз ана шу одамларнинг, саховатли ернинг фарзандларимиз!» Буни ўз ишига жорий этиб келаётган мутахассислар эл-улус кўнглидаги тугунларини енгиллаштиришга ҳисса қўшмоқда.

## Увишган новдалар синдилар

Тонг ўқларини тинмай отади. Мусаффо, шаффоф тонгга одамлар юрагини охишта тутди. Тонг белги беришига оз фурсат қолди. Янги тонгни интиқлик билан кутинишади. Ниҳоят тонг ёриша бошлади. Бу чоғда ёмғир майдалаб, эринчаклик билан томчилай бошлади. Шукрулла оға нима қиларини билмай, паршонхотир ҳолда уйда у ёқдан, бу ёққа ивирисиб, бетокат юрди. Кейин ишга қиядиган кийимларини кийди, шаҳд билан ташқарига чикди. Майдалаб, ажиб бир дилгирлик билан ёғаётган ёмғир хийлагина тезлашган, у гўёки теваарак-атрофдагина эмас, Шукрулла оға кўнглининг бўш, ҳувиллаб қолган кўчаларини аёвсиз, мислсиз равишда савалаётгандай бўларди. «Ёмғир ҳам тинмади узун кун, Увишган новдалар синдилар, Ёмғир ҳам тинмади узун кун, Барглари жон узиб тиндилар, Дераза ортидан бир жувон, қарайди, уфқ ҳам қарайди, Дераза ортидан бир жувон, Энтикиб кўкларга қарайди» деган ёмғирни, хув олисларда қолиб кетган ўт-олов йиғитлик айёмини ёдга солиб юборадиган ширин, ёрқин хотиралар ялт этиб хаёлида жонланди. Худди атайлаб қилгандай шу тобда, радиодан Шукрулла оға жуда ҳам ёқтирадиган Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи каламига мансуб ажойиб шеър янгради:

*Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,  
Томчилар томчилар сочимга.  
Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,  
Ҳам қайғумга, ҳам қувончимга.  
Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,  
Мен унга очаман бағримни.  
Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,  
Аста унутаман ёмғирни.  
Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,  
Охир мени асир этар ул.  
Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,  
Ёға бошлар қозғозга кўнгиш.*

Кушлар эса басма-бас сайрашарди. Дала ва осмон шундай тиник, нафас олиш шундай енгилки, кекса одам ҳам бу ерда мусаффо ўсмирлик йилларини эслаб қолади...

Шукрулла оға, дала адоғидаги вагон уйча қақайиб турган коллектор бўйига етиб борганида, жамоасининг барча йиғитлари йиғилиб бўлган, фақатгина унинг келишини сабрсизлик билан кутиб ўтиришган эдилар.

– Ёмғирнинг осмондан худди марварид доналаридек сочилиб ерга тушишини қаранглар, – дея ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, касаба уюшмаси кўмитаси раиси Азамат Қулбаев ва бошқа ишчиларга қараб гап қотди Шукрулла ёшулли. У табиати севадиган, унда рўй берадиган ҳар бир ҳолатдан олам-олам завқ-шавқ ола биладиганлар хилдан эди: – Сал эртарақ турганимда ҳўрозларнинг илк кичкиригини, юлдузларнинг бир-бирига кўз қисиб, шивирлашганига гувоҳ бўларимиз? Эҳ, аттанг!

Йиғитлар бир оғиз сўз демади, ха, шундай дея, илжайиб тураверинди. Шукрулла оға, етакчилигида ҳамма-

лари қудратли экскаваторлар ишлаётган коллектор томон йўл олишди. Бу пайтда хориждан келтирилган «ақлли техника»лар каттакон, ўткир тишли чўмичи билан тупрокни ҳеч ҳам қийналмастан, осонгина қовлаб, зовур рошига уюб кетарди. Улар анчагача бу завқли юмушга қараб қолдилар.

Ўзаро машварат, маслаҳат, кўргазмалар топшириқ кун чошгоҳга кўтаришганда тугади. Кўплар турли вазифани бажарамиз деб тарқалишди. Шукрулла оға, ҳам: «Йиғитлар, сизлар билан жонжон деб ишнинг боришини кузатган бўлардим-у, Нукусга бориб, хориждан келтириладиган янги техникаларни кўриб қайтишим керак эди-да», дея узрини айтиб жўнаб кетди. Азамат Қулбаев ва яна масъул уч-тўрт йиғитларгина қолишди. Улар жоним-отим ишнинг боришини назорат қилишга шўнгиб кетдилар.

## Сомон йўли солган кўприк

Саҳродаги нуртуядай пишқириб, кўпик сочиб оқаётган Амударё – Қорақалпоқ элининг ҳар бир вақили, ҳар битта хоразмлик учун мўътабар дарё. Аждодларимизга ризк-рўз улашган, ювиб тараган, қийинтирган ҳам шу қадимий Амударё бўлади. Одамларимиз дилларидаги бор дард-ҳасратларини шунга тўкиб сочадилар. Катта сувлик уларнинг ана шу тилақларини рўёбга чиқарган: қурғоқчиликда экин-тикинларни оби-ҳаёт билан қондирган, сел келганда уни ўз қаьрига олиб, эл-улусни сув балосидан халос этган. Унинг марҳамати улуғ, кенг. У мудом нотинч, шовқин солиб оқишни хуш кўради. Шу боисдан ҳар қачон сўлим боғлар, адоқсиз ёбонларга қараб ошиққани-ошиққан. Негадир шу тоб кўнгида Ўзбекистон халқ шоири, булбулзабон ижодкор Миртемирнинг Амунни жуда катта меҳр билан мадҳ этган ўйноқи сатриари садо бергандай бўлди:



*«Илгарилари бутун-бутун кенг майдонларни, ерларни зах, шўр, сизот деган балою офатлар худди чирмовуқдек ўраб олганди».*



*Тун сукути чўкмиш зилол ҳавога,  
Сомон йўли кўприк солмиш дарёга.  
Ёруғ юлдузлардан ёғилади сир,  
Ғўзалар бетиним, узилмас пичир...  
Садалар тағида соялар узун,  
Тўсат ишўх қўшиқдан*

*янграб кетар тун,*

*Бизнинг эжонана ҳам*

*таратмоқда сув,*

*Ажиб бир манзара яратмоқда сув,  
Жўяқларда ўйин тушар юлдузлар,  
Ёғдудан яралмиш гўё кўндузлар...*

*Сув таратиб,*

*қўшиқ айтар эжонам,*

*Қулоқ солар унга бутун бир олам.*

Аму теварақларига зулмат тун чўққан, тиллақошдай тўли, жилвагар ойни бир тўда қора булутлар қолдири тўсиб, беркитиб кўринтирмай қўйган, Жайхун дарё ўқириб – нотинч, кўрқинчли овоз чиқариб овоз ва равон оқади. Дарё атрофидаги овул ва аймоқлардан бирин-сирин эшитилаётган саёқ итларнинг ёқимсиз ақиллаши, қурбақаларнинг сайраши, чигирткаларнинг чириллаши қулоқни қоматга келтириб юбораёзди. Тун қушлари ҳам оромини йўқотган. Гох у ёққа, гох бу ёққа шарпа солиб тинмасдан учиб ўтади. Гўёки яқин орада мудҳиш бир ҳодиса рўй берадигандек. Ташқаридан эшитилаётган кўй-қўзиларнинг маъраши-ю, йилкичи қушнинг ёқимли оҳангига бефарқ, эътиборсиз қараб бўлмайди. Эшакнинг

нола аралаш хангирашидан талвасага тушади одам. Гарчанд қоронгу бўлса ҳам, дарё соҳилига яқин иншоотда иш суръати қизигандан-қизиб борар эди. Йўгондан келган, баланд бўйли, кенг пешонали, киррабурун, жингалак сочли хушсурат экскаваторчи йиғит ҳадеб дарё томонга ҳадик ва хавотир билан қараб қўярди. «Сен ҳадеб дарёга алағда бўлгунча, ўз ишингни кам-қўстсиз адо этишни ўйла», – дея оғохлантирди ёнидаги хушёр шерғи Махмуд Худойбергано. Шундан сўнг, йиғитча қатта шавқу ҳавас билан яна ишга киришиб, қунда бажарган ишлари ҳисобини пиш-шиқ-пухта бажарадиган бўлди. Лекин... одам яхши кўрмаган ишга бутун борлиғи билан берила олмайди-ку. Агар яхши меҳр бермасанг энг серсут сиғир ҳам сут бермай қўядику, ахир деб қўйди ичида ўз-ўзига.

– Илгарилари бутун-бутун кенг майдонларни, ерларни зах, шўр, сизот деган балою офатлар худди чирмовуқдек ўраб олганди, – дейди «Амударёмахсусвулдрат» масъулияти чекланган жамияти директори Шукрулла Юсупов. – Бу эса ўз навбатида одамларимизни едириб, ичирадиган, қийинтирадиган ва бошқа орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган она тупрокни тинкаю, мадорини қуритиб қўйди. Гўё гўзанинг қуёшга қараб ўсишига ҳалакиб берадиган гўмай билан печакнинг худди ўзгинаси сингари. Унга сал бепарволик қилиб қарамай қўйсангиз, дарров гўвайди, қолади. Биз анча йиллар давомида фақат пахта экиш билан андармон бўлдик. Ер тақдири билан боғлиқ талай хато ва камчиликларга йўл қўйдик. Бу айниқса, Амударёга ўхшаган Туркменистон билан чегарада бўлган, чекка туманларга ёмон таъсир қилди-да. Алал-оқибат ернинг тинкаси қуриб, етарлича ҳосил беролмай қолди. Ҳечдан кўра, кеч деганларидек, бу офатнинг пайини қирқиб чора-тадбирларини қатъий кўрашмиз.

Шукрулла Юсуповнинг маълум қилишича, сўнги йиллардаги тинимсиз саъй-ҳаракатлар туфайли ерларнинг туси, ҳолати, тузилиши ижобий томонга қараб ўзгариши кузатилмоқда экан. Натижа шу бўлдики, қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосил салмоғи, даромад миқдори ортиши кузатилмоқда. Аслида буларни ҳаммасининг замирида ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ўнглаб бориш ёғди. Ниятимиз бу савобли иш қўламни сусайтирмасликдир. Ана шунда эл-улуснинг дастурхони турфа хил

# МАСЪУЛИЯТ

**2020 йилда Амударё, Нукус, Бўзатов туманларидаги мавжуд объектларда реконструкция ва таъмирлаш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда.**

ноз-неъматлар билан бундан-да сероб бўлади.

Корхона жамоаси саъй-ҳаракати билан 2018 йилда «Шўр-ёб» каналини реконструкция қилиш, «К-1 Қипчоқ» коллекторини таъмирлаш ва тиклаш, «К-1 Қангли» коллекторини таъмирлаш ва тиклаш, «Назархон овул фуқаролар йиғини» ҳудудидаги коллекторни таъмирлаш ва тиклаш, «ПМ-4» коллекторини реконструкция қилиш, «Дарсан» коллекторини реконструкция қилиш, Амударёдаги шпор қуриш объектида кўзда тутилган ишлар урдаланганлиги аҳоли ва фермер хўжаликлари оёғига тушур бўлган кўпгина нокулайликларни бартараф этди. Бу мақсадларга олти миллиард саккиз юз ўттиз тўрт миллион сўмлик маблағ сарфланди. Бу борадаги ишлар кўлами 2019 йилда олти миллиард саккиз юз ўттиз тўрт миллион сўмга етказилди. Оқибатда Амударё туманидаги «К-1 Қангли», «Қипчоқ» коллекторларида таъмирлаш-тиклаш ишлари, Нукус туманидаги «Крейт-Узьяк» коллекторида таъмирлаш-тиклаш ишлари муваффақият билан урдаланди. 2020 йилда Амударё, Нукус, Бўзатов туманларидаги мавжуд объектларда реконструкция ва таъмирлаш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда. Хуллас, бажарилаётган бу таҳилт вазифалар ердан олинган ҳосил салмоғини беш, олти центнердан оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ой баркашдек бўлиб мўралади. Осмон сон-саноксиз ситораларга тўлиб борар эди. Пастликда дарёнинг шилдираши, тепалиқда ҳаққушнинг ҳазин товуши билан «ҳо-ок» дегани эшитилди. Очиғи, бу маҳал кўпчилик оиласи бағрида иссиқ кўк чойдан ҳўплаб, оёғини узатиб дам олаётган бўлишди. Аммо «Амударёмахсуссупудрат» масъулияти чекланган жамиятининг ўз ишининг устаси бўлиб танилган, тажрибали экскаваторчилари Ғулом Абдурахмонов, Махмуд Худойбергенов, Каримбой Тангрибергенов, Собир Абдуллаев, Оймирза Курбонниёзов, Эркинбой Садикулов каби экскаватор ва бульдозер ҳайдовчилари бундай паллада ҳам ўз юмушлари билан банд бўлади.

Экскаватор ҳайдовчиси Бекзод Халменов гавдаси чуваккина йигит бўлса ҳам, ўткир ва маъноли кўзлари, ҳаракатларида алоҳида бир ғайрат уфуриб турар эди. Йигитча чуқур қилиб қовланган, қорайиб ётган коллекторга қаради. Ой ёғдусида каналнинг суви эриган қалайдек оппоқ бўлиб ётарди. Барибир тириклик суви, оби ҳаёт бошқачада, ўзга олам деганга ўхшаш ёруғ ўй кечди кўнглидан. Бошқа бир шериги эса қазилаётган ишоотнинг чуқурлиги, эни ва сатҳини обдон текшираётган эди. У юмушга чунонам берилиб кетганидан, бошқа бир ҳамкасбининг «ишингни урдалаб бўлдингми?» деб имлаб ёнига чақирганини ҳам эшитмади. Аксинча, баттар ишга «шўнғиб» кетди.

Экскаватор ҳайдовчиси Санжар Халменов шерикларини чакконлик билан ойдинда сал қорайиб турган унгурининг шундоқкина ропидаги манзилга бош-

лаб келди. Кундузи қорамтир тусда кўринган баланд коллектор рошлари хозир ойнанинг сатта ёруғида ўзгача ранг олган, қалин дала ўртасидаги ўсимликдек бўлиб бўртганича чиқиб турарди. «Ишни шу зайлда, бир маромда давом эттираверинглар», дея дам олгани вагон уй томонга кетди. Кўнглингиз хотиржам бўлсин, зиммамиздаги вазифани бекаму-кўст урдалаймиз, уялтириб қўймаймиз, деди йигитлар бараварига.

## Шуъла сочар чироклар

Сўнги вақтларга келиб димоғи чоғ бўлиб, ўзини жуда беҳавотир ва осуда, қушдек енгил сезаётган жамият ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Азамат Қулбаев жамият машина трактор парки ховлисидаги пишиб етилган ўрикдан бир жуфт узиб, оғзига солди. Гуж-гуж бўлиб ўсган олча шохларини қайириб, киш-қизил олча меваларини териб ейишга тушди. Обдон етилган мева-



ларнинг мазаси, таъми оғзига беҳад ёқди. Ўзича росаям етилибди, энди бу ноз-неъматларга машина паркидаги ишчиларнинг ҳам оғзи тегадиган бўлди-да, деб қўйди. Азамат оға, ерда ётган темир парчасини кўлига олдида, парк ичкарасига кириб борди. Темир бўлагини улкан экскаватордан сал нарига қўяр экан, «ҳормангизлар», дея ишчиларга жилмайиб қўйди. Қаршисида – худди кўриқдан ўтишга хозирлик кўрадиган аскарлардек саф тортган турли русумдаги қатор техникалар. Қатор қилиб тизилиб турнишибди. Яп-янги, ишлашга шай ҳолатда. Бу қудратли техникалар сираям панд бермайди. Ўзича парктаги бор экскаватор, бульдозер, трайлер, юк машинаси, вагон уй, ёниги ташишга мослашган техникаларга кўз ташлаб, мамнун бўлди. Бемалол «бу темир кўшин» билан жангга борса бўлади, панд бермайди деб қўйди ўзига-ўзи.

Бу жамоада ҳормай-толмасдан тер тўкаётган ишчиларни чироклар деган бўлардим. Негаки, бу чирокларни, ёруғликни кўриб, мана мен Тошкентдай шаҳри азимдан Амударё ҳудудига бордим. Ўзимча мазкур чирокларни шуъла сочиб, нур таратиб машъалага



айланишига умид билдирдим. Агар ана шу чироклар фидокорлик кўрсатмаса, эди, бутунги кунгача урдалаган, бажарган сон-саноксиз ишлар қаёқда эди.

Экскаватор ҳайдовчиси Музаффар Халменов ҳайрон, дол: у жамият раҳбариятидан ҳеч маҳал бундайин мақтов эпитамаан деб ўйламаган эди. Аммо барига ўзининг урдабуронлиги, қасабига чексиз меҳру-муҳаббати, зим-

ёбонларда қолиб, атроф жавонибни соатлаб кезишни, кузатишни, қушлар чуғурига кўмилиб ўтиришни беҳад хуш кўради. Бу одат қасбини давом эттираётган ўғли Шоқиржонга ҳам юққан. Уям отаси сингари қўйиб берсангиз даладан, экскаватори ёнидан бери келмайди. Ишқилиб ҳар бир одам кўнглида нимагадир қизиқиш бўлар эканда. Бекорчиқдан, кўчада бемақсад ўтириб олиб, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини сўроқлашдан Ўзи асрасин. «Аёлим билан оилада фарзандларимиз Шохиста, Шавкат, Лобар, Шоқирни одамларга меҳр-муҳаббатли, меҳнатни севадиган этиб тарбиялаяпмиз», – дейди Музаффар Халменов баҳри-дили очилиб.


Музаффар ака ҳаётнинг ширин, тотли ташвишлари ҳақида узок ҳаёл сурганича, кадрдон даласи томон отланди.

## Савобга йўғрилган юмуш

**Ййлов гуллаб, янги каналлар бориб, Экинзор чайқалиб, қўл сувга тўлиб, Ойдинда турола ооз қўндириб, Подалар ёйилиб юрган ерларда.**

Қорақалпоғистон элининг катталлигини, бепоён эканлигини билмаган эканман. Шундайин бепоён кўз илғамас кенгликларнинг теп-текис кўринишидан, ажиб тароватидан ҳайрон бўламан. Нукусдан Амударё томонга борадиган Чиллик қалъаси тепасига чиқиб, офтоб чиқаётган пайтда атрофга қарайдим. Шундай улкан офтоб ҳам чўлғни бутунлай қамраб олишининг зўр бериб урдаласидан чиқа олмаётгандек гўё. Улканнинг жанубдаги Саримой, Окдигар, Кампиртепа, Мискин сингари ҳудудларга қуёш нури тушганда, иккинчи бир чети, яъни Устюрт платоси, Орол денгизига ҳали тонги сояларга чўмилиб ётаверди. Худди мана шу мислсиз гўзаллик, жозиба Ўзбекистон, Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони, туркий элатларнинг сеvimли сўз сеҳргари Ибрайим Юсуповнинг кўнглига шёър ишқини юктирган бўлса, не, ажаб. «Амударёмахсуссупудрат» масъулияти чекланган жамиятида меҳнат қилаётган саксон нафар ишчилар ана шундайин жозибали оҳанглардан илҳомланиб, меҳнат симфониясини борган сари авж олдиримоқда. Зеро, эл-улусни оби-ҳаётдек неъмат билан таъмин этиб бориш улкан савобга йўғрилган юмушдир.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**  
«Оила даврасида» муҳбири



1	2	3	4	5
		6		7
8			9	10
			11	
12		13	14	
	15			
			16	17
18	19			
		20	21	22
		23		
24			25	

**Энига:** 1. Телеканал номи. 6. Таажжуб, қизик. 8. «...-шоу» «Yoshlar» телеканалдаги кўрсатув номи. 9. Қазима, маъдан. 12. Қиш улови. 14. Ҳоли танг, чорасиз. 15. ... қуримас, чинор чиримас. 16. Қайси пайт? 18. Боксчи тиш қопламаси. 21. Садо, товуш. 23. Экваториал Гвинея пули. 24. Муаллиф (русча). 25. Нерв тизими.

**Бўйига:** 1. Зарарли ҳашарот тури. 2. Ярашмаган, номуносиб. 3. Юк кўтариш қурилмаси. 4. Юлдуз (инглизча). 5. «... хонадон» «Toshkent» телеканалдаги кўрсатув номи. 7. Мажбурият, вазифа. 10. ... Оламгир (ҳинд подшоси). 11. Ундай. 13. Тиши бор оғзи йўқ (топишмоқ). 17. Уго ... (Венесуэла давлат арбоби). 19. Кема тўхташ жойи. 20. Шаҳар ҳокими (Россия). 21. Ҳа (хоразмча). 22. Зебра ранги.

«... жон» «Toshkent» та «ур»			Япония пойтахти	Таълим маскани	Сезгир сергак	анимация (газ)
Миллий кино	Автомобиллар услаҳаси	Асадари сути	Набира (шевада)	Уртасида		
		Сигир (шевада)			Машаққат	Аренда
	Зарур даркор	Жамият бўлаги		Уч ижрочи		Узум пави
			«... пот-румель» кўрсатув		Таажжуб, қизик	
Қўрна мағзи	Жаҳол, одам				Сибирдаги тоғ тизмаси	
		Ҳарбий дивизион	Бокс майдони		Америка бақаси	Вертол русуми
Назаров (бастакор)	Шоколад дарахти			Минерал тури		



# ИШЛАХУРЖУН

## ТЎРТ АМАЛНИНГ ТАРТИБИ

### Янги сўздан! БОР!

**БОШЛИК:** (телефон оркали котибага) Қани, номзодларни навбати билан битта-битта таклиф қилинг-чи. (гўшақни қўйиб ўз-ўзича) Кўрайлик, қайси бири талабимизга жавоб бераркин?!

**БИРИНЧИ НОМЗОД:** Ассалому алайкум, киришга мумкинми?!

**БОШЛИК:** Марҳамат, марҳамат, бизнинг идорада ишламоқчимисиз?

**БИРИНЧИ НОМЗОД:** Ҳа, ҳа, шундай ниятимиз бор...

**БОШЛИК:** Бизга ишни яхши биладиган битта хисобчи керак. Шунга мос кадр излаяпмиз.

**БИРИНЧИ НОМЗОД:** Кидириб ўтирманг, мен розиман...

**БОШЛИК:** Биламан, биламан...

(қоғозларни титқилайди) Хў-ў-ўш, олий маълумотли деган дипломингиз бор экан, тўрт амални биласизми ўзи?

**БИРИНЧИ НОМЗОД:** Билмай ўлибманми, акажон, албатта биламан.

**БОШЛИК:** Қани, унда айтиб беринг-чи.

**БИРИНЧИ НОМЗОД:** Қўшув, олув, бўлув, кўпайтирув.

**БОШЛИК:** Қўшув-олув эмиш... Тартибини билмас экансиз-ку, боринг, сизга жавоб. (биринчи номзод чиқиб кетади)

**ИККИНЧИ НОМЗОД:** (биринчи номзодга) Ҳа, қалай бўлди?.. Нималарни сўрар экан?

**БИРИНЧИ НОМЗОД:** Тўрт амалнинг тартибини сўраяпти.

**ИККИНЧИ НОМЗОД:** Хўш, айтолдингизми?

**БИРИНЧИ НОМЗОД:** Қўшув, олув, бўлув, кўпайтирув деганим, нотўғри деди.

**ИККИНЧИ НОМЗОД:** Вой, шуни билмадингизми, шуни-я?! (бошлиқ хузурига қиради). Ассалому алайкум, мумкинми?

**БОШЛИК:** Балли, келинг, тақсир. Гапдан хабарингиз бор-а?!

**ИККИНЧИ НОМЗОД:** Ҳа, биламан, амалларнинг тартиби хақида.

**БОШЛИК:** Хўп, амаллар тартиби қандай экан? (пиёладан чой хўплайди).

**ИККИНЧИ НОМЗОД:** Аввал кўпайтирув ва бўлув, кейин қўшув ва олув амали бажарилади.

**БОШЛИК:** Ҳм-м, Ҳм-м, анча дуруст экансиз. Демак, биринчи гапда кўпайтириш керак экан-да.

**ИККИНЧИ НОМЗОД:** Ҳа, тўрт амалнинг бажарилиш тартиби шундай.

**БОШЛИК:** Арифметикада шундай, алгебрада-чи? Алгебрани ҳам биласизми?

**ИККИНЧИ НОМЗОД:** Алгебрани билмасак ҳам ҳисоб-китобни дўндираемиз.

**БОШЛИК:** Боринг, олдин алгебрани ўрганиб келинг! (иккинчи номзод ҳам чиқиб кетади).

**УЧИНЧИ НОМЗОД:** (иккинчи номзодга) Хўш, сиздан нималарни сўради?

**ИККИНЧИ НОМЗОД:** Алгебрадаги амаллар тартибини сўради.

**УЧИНЧИ НОМЗОД:** Қандай жавоб бердингиз?

**ИККИНЧИ НОМЗОД:** Бажарилиш тартибини айтиб берганим, жавобим ёкмади, чиқариб юборди.

**УЧИНЧИ НОМЗОД:** Ҳа, демак, жавоб ёкмади денг-а?! (ўйлаб қолади ва бошлиқ хузурига қиради) Бужилиб тавозе қилади). Ассалому алайкум, хўжайин, мумкинми?!

**БОШЛИК:** Ваалейкум ассалом, ҳали мен сизга хўжайин бўлганимча йўқ, шекилли.



(интермедия)

**УЧИНЧИ НОМЗОД:** Яхши ният – ярим давлат, хўжайинжон. Ажаб эмас, сиз хўжа, биз хизматкор бўп қолсак.

**БОШЛИК:** Хўш, амаллар қайси тартибда бажарилар экан? (чай хўплайди).

**УЧИНЧИ НОМЗОД:** Сиз қайси тартибда десангиз, ўшанақасига-да, хўжайинжон.

**БОШЛИК:** Бекорларни айтибсиз! Бошликка лаганбардорлик қилиб ишламоқчимисиз, дейман?! Боринг, сизга рухсат. (учинчи номзод чиқиб кетгач, орқасидан ғижиниб қолади) Ҳе, ўргилдим сендақа подхалимдан!

**ТЎРТИНЧИ НОМЗОД:** (учинчи номзодга) Нима бўлди, суҳбатдан ўтингизми?

**УЧИНЧИ НОМЗОД:** Э, қаёқда, бирорта ҳам жавоб унга ёкмапти. Кириб ўтиришдан фойда йўқ (нари кетади).

**ТЎРТИНЧИ НОМЗОД:** (ўз-ўзига) Ҳа, гап тагида гап борга ўхшайди-ёв, мен ҳам бир омадимни синаб кўрайин-чи... (бошлиқ олдига тавозе билан кириб келади). Ассалому алайкум, устоз!

**БОШЛИК:** (истехзо билан) Ваалейкум ассалом, «погирд». Сиз ҳам амаллар тартибини билмайсизми?

**ТЎРТИНЧИ НОМЗОД:** Билишга бир уриниб кўрайин-чи...

**БОШЛИК:** Хў-ў-ўш, сизнингча, амаллар қайси тартибда бажарилади?

**ТЎРТИНЧИ НОМЗОД:** Аввал олиш керак, устоз.

**БОШЛИК:** Хўп, кейин-чи?!

**ТЎРТИНЧИ НОМЗОД:** Кейин кўшиб-кўшиб борилавереди.

**БОШЛИК:** Хўш-хўш... иннанкейин-чи?!

**ТЎРТИНЧИ НОМЗОД:** Ундан кейин кўпайтирилади, устоз.

**БОШЛИК:** Баракалла, баракалла, кўпайтирилгандан сўнг нима қилинади?

**ТЎРТИНЧИ НОМЗОД:** Охирида, тақсимлаймиз-да, устоз!

**БОШЛИК:** Яшанг, шоғирд, яшанг! Бор экан-ку яхши кадрлар. Боринг котибани менга чакириб қўйинг. Ишга тайинланганингиз тўғрисида буйруқ тайёрласин.

Эр уйига келса, уйлар покиза, тозаланган, ҳаммаёқ саранжом-сарошга ҳолда турибди. Эр бундан таажжубланиб, хотинидан сўради:

– Нима, уйда вай-фай узилиб қолдими, интернет ишламаяптими?

– Йўқ, дадаси, ҳаммаси ишлаётган эди, фақат телефонининг қуввати тугаб қолганди, шунга қувватлагични топиш учун ҳамма жойни тозалашга мажбур бўлдим-да, – деса, эр ичида: «Ҳа, хар куни шу матоҳни ўзим билан олиб кетсам бўлар экан», – дермиш.

### «Ақлли» уй

Бир куни ўғри бадавлат хонадонлардан бирига ўғриликка тушибди. Уйда ҳеч ким йўқлигида келиб, аста эшик қулфини буза бошлабди. Шу пайт домофон ишга тушибди:

– Ассалому алайкум! «Ақлли уй» тизимида хуш келибсиз. Билишимча, сиз ўғирсиз ва уйни ишип-шийдон қилгани келгансиз. Тўғриси айтганда, мен бу уй эгасини жуда ёмон кўраман. Сабаби у мен билан доим кўпол муамалада. Шунинг учун сизга эшикни ўзим очиб бераман.

Шу пайт эшик очилибди. Ўғри эсини йўқотиб қўяй дебди. Ҳалиги овоз эса гапиришида давом этармуш:

– Эшик олдида турган қопларни олинг. Барча бойлик иунинг ичида. Фақат тезроқ кетишингиз керак. Бир дақиқадан сўнг сигнал товуши ишлаб кетади. Тезроқ! Тезроқ! Тезроқ!

Ўғри қопларни кўтариб, эсон ҳолатда қочиб қалибди.

Уч соатдан сўнг уй эгаси қайтиб келса, домофон ишга тушибди ва дебди:

– Ассалому алайкум, хўжайин! Уйдаги чикиндилар чиқариб ташланди!

### Қайтади

– Дугонажон, эринг сени ташлаб кетяпти. Бунинг оқибати яхши бўлмайди Оилангни асраб қолишинг керак...

– Хавотирланма, барибир қайтиб келади.  
– Қайтмасачи, қаердан биласан?  
– Унинг номига кредит олганман.

### «Рецепт»

Бир киши дорихонага кириб, сотувчига деди:

– Менга тиббий спиртдан бир литр берсангиз.  
– Рецептингиз борми?  
– Эҳ, рецепт бўлганида уни ўзим тайёрламасмидим.

# Миллиардерга берилган ёрдам

Билл Гейтс дунёдаги энг бой одам бўлган пайтлар кимдир унга савол берибди:

– Дунёда сиздан ҳам бойроқ инсон борми?

– Ҳа, – деб жавоб беради Билл Гейтс. – Мендан ҳам бойроқ бир инсон бор. У пайтлар мен ҳали машҳур ёки бой эмасдим. Бир куни Нью-Йорк аэропортида газета сотаётган кишини кўрдим. Ундан газета сотиб олмоқчи бўлиб, ҳамёнимни очсам, майда пулим йўқ экан. Кейин газетани сотувчига кайтариб бердим. Унга қараб «Майда пулим қолмабди, газетангизни сотиб ололмайдим», дедим. Шунда сотувчи «Майли, сизга текинга бераман», деди. Мен ноилож газетани олдим. Орадан икки-уч ой ўтиб тасодифан мен яна ўша аэропортга кўндим ва бу сафар ҳам газета сотиб олиш учун майда пулим йўқ эди. Сотувчи яна кўлимга газета тутди. Мен бу сафар ҳам майда пулим йўқлигини айтиб, газетани рад қилдим. У менга яна «Олаверинг, ўзимнинг ҳисобимдан берапман. Бу билан мен зарар кўрмаймман», деди. Мен газетани олдим. Орадан 19 йил ўтиб мен машҳур

бўлиб кетдим, бутун дунё мени таний бошлади. Кейин тўсатдан ўша сотувчи эсимга тушиб қолди. Уни роса изладим ва бир ярим ой деганда топдим. Ундан «Мени таниясизми?» деб сўрадим.

– Ҳа, сиз Билл Гейтсиз, – деди у.

– Эсингизми, бир сафар сиз менга текинга газета бергансиз? – дедим.

– Эсимда, икки марта берганман, – деди сотувчи.

– Уша вақт қилган ёрдамнингиз ҳақини тўламоқчиман. Тиланг тилагингизни, мен уни адо этаман, – дедим шоганча.

Сотувчи менга қараб турди-да, деди:

– Жаноб, сиз шу билан менинг яхшилигимга тўла жавоб қайтара оламан, деб ўйлайсизми? Бу билан қарзингиз узилиб қолмайди-ку.

– Нега? – хайрон бўлдим мен.

– Мен сизга камбағал сотувчи бўлган пайтм ёрдам берганман, сиз эса бадавлат бўлгангина ёрдам бермоқчисиз. Дунёдаги энг



бой одамга айлангач, қиладиган ёрдамнингиз менинг ночор пайтда қилган ёрдамимга қандай қилиб тенг бўлади? – деди у.

Ўша куни газета сотувчиси мендан ҳам бойроқ, мендан ҳам бадавлатроқ эканини англадим. Чунки у одамларга ёрдам бериш учун бойлиб кетишни кутмаган. Ҳақиқий бой одам бу – пули кўп одам эмас, балки юраги бой одам ҳисобланади.

Одамлар шунини тушуниши керак: кимгадир меҳрибонлик қилсангиз, кўринишингиз қандай бўлмасин, сиз дунёдаги энг кўркем инсонга айланасиз.

## ЖАВОҲИР

Халима  
ХУДОЙБЕРДИЕВА  
Ўзбекистон халқ шоири



Бу умр — ўтар кўчадир. Гофил ётма, туриб ўт,  
Ётганлар бор, ҳолин сўра, қулбасига кириб ўт.

Бу кўча — байрам кўчадир, дўст-душман орасидан  
Зийнатлини, зеболаниб қундай энгил юриб ўт.

## ИНТЕЛЛЕКТ

### Хушxabар элчиси

Турли хашаротлар, зараркунанда ва кемирувчилар ҳар қандай инсоннинг табиини хира қилади. Лекин табиблар уларга «хушxabар элчиси» сифатида ҳам қарашган.

**Савол:** Табиблар уларни нега шундай атаган?

Жавоблар келгуси хафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0(371) 234-91-82

Telegram: (+99897) 444-80-84

Газетамизнинг 2020 йил 14 май 10-11-сонида берилган саволнинг жавоби: Оқар сувдан. Хавф туғилиши билан оқар сувга ранг қўшилган. Сув оқиб бошқа ҳудудга етганида, у ерда кеча-кундуз сувни назорат қилиб турадиган аскарлар «xabар»ни қабул қилиб олиб, тегишли тайёргарлигини кўрган.

### Тайёрланиши:

Помидор ва тухум айлана, пиёз ярим айлана шаклида, саримсоқ бўлақлари юпка қилиб майда тўғралади. Тўғралган барча масалликлар бир идишга солиб аралаштирилади. Тузи ростланади. Кейин консерваланган кўк нўхат, мурч, қизил гармдори кукуни қўшиб, яна аралаштирилади. Сўнг тайёр бўлган миқдорга майонез қўшиб, аралаштирилади.

Салат таъбга қараб, кўкатлар билан безатишган ҳолда дастурхонга тортилади.

## ПАЗАНДАЛИК СИРЛАРИ

### ОСОҢ САЛАТ

**Керакли маҳсулотлар:**  
4 дона помидор, 2 та қайнатиб пиширилган тухум, 4 ош қошиқ консерваланган кўк нўхат, 1 дона пиёз, 4-5 қошиқ майонез, 2 дона саримсоқ бўлақлари, қизил гармдори кукуни, туз, мурч.



OILA  
DAVRASIDA  
Itimoly-alyosly, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси тахририяти» масъулияти чекланган жамияти

### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;  
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;  
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;  
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;  
Акциядорлик тижорат «Алоқабанд».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.  
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рўқам билан рўйхатга олинган.  
«Шарқ» наприйет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

### Бош мухarrир

Хуснидин  
БЕРДИЕВ

### Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.  
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Буыртма: Г-537

ISSN 2181-6190

Аялди: 1 945 русча.

Иарал: келгури аялди.

Көгүз бичими А-3, ҳажми 4 босма табок.

Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 22:00

## ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРАЛАБ...

Бахтиёр Абдуғафур

### Ўзбекча гапиринг, ака!

Икки-уч йил аввал флешкадаги фотосуратни чиқариш учун бир фотостудияга бордим. ТТЗ-даги «Миллий таомлар» ресторани биқинидаги сартарошхона ичида. Рус киши экан, 50-55 ёшлар атрофида, сочлари оқ, котмадан келган, сергап, серхаракат. Одатимиз – русчада мулдани тушунтирдим. Энциаси котгандек туюлди, шангилаганича флешкамни олиб компьютерга улади.

«Менга қара, нега ўзбекча гапирмайсан?»

«Руслингизни билиб...»

«Тўғри, русман, лекин шу ерда туғилганман.

Рус дегани ўзбекчани билмайди, дегани эмаску! Ўзбекчани биламан. Ўзбеклар билан армияда хизмат қилганман. Ўзинг ҳам вилоятдан экансан, қаердансан?»

Кизиқшим ортиб сўрадим: «Вилоятдан келганимни қаердан билдингиз?»

«Шеванг тошкентчамаску! Қаерликсан?»

«Намангандан!»

«Йе, буни қара, хизматдошим наманганлик эди...» Ака сўзлашга тушиб кетди. Охири ҳулоса қилди: «Ўзи айб ўзингларда, нимага ўзбекча гапирмайсизлар? Шу ерда яшайганими, русми, бошқасими, ўзбекчани билиши шарт! Ўзбекча гапираверинг, ака!»

Хижолат бўлдим. Рус киши мендан – ўзбекдан ўзбекча гапирини сўраётган эди! Ўйлаб қарасам, аканинг гапида жон бор, тилимизни ўзимиз хурмат қилмасак ким хурмат қилади.

2006-2007 йилларда Исроилда, Бен Гурион университети қошидаги институтида ишлаганман. Бир миллион атрофида рус тилида сўзлашадиган аҳоли яшайди. Мен билан бирга ишлайдиган русийзабон ҳамкасблар кўлидан «иврит-рус» луғати тушмасди. Сабаби оддий экан: ивритни билмаган ишга қабул қилинмас экан. Газета, сайтлардаги иш беришчиларнинг эълонларида уч нарса талаб қилинишига гувоҳ бўлдим: «1. Ивритни билиши; 2. Мутахассислик дипломи; 3. Тажрибаси...» Биздачи?

Ҳулоса шудир: ўз тилимизни ўзимиз амалда қўллаб-қувватламас, унга куч бермас эканмиз шу аҳволда қолаверамиз. Давлат тили борасидаги «status quo» ўзгармаса аросатда қолаверамиз, маслаҳатчилар кўпайиб бораверади. Ҳозирги кунда миллий мансублик тилга қараб белгилаётган бир вақтда бу жуда муҳимдир.

Барно Султанова

### Бола оиласида меҳр кўрмаса...

Болалар бахтли оилада яшашлари керак. Болалар ота-онанинг бир-бирга меҳр-мухаббатини ҳис қилиб улғайишлари керак. Иложсизликдан, фарзанд учун яшайман деб умрини ўтказётганлар аввало ўша фарзанда жабр қилаётган бўлади. Ота-онанинг бир-бирини кўрарга кўзи, отарга ўки йўқлигини кўриб улғайган бола, кейинчалик оила қуришга, ўз оиласига меҳр қўя оладими? Бу мавзуда гапирман десанг гап кўп. Гапирмайман десанг бўмаса. Гап йўғида гапмас бу...



OILA  
DAVRASIDA  
Itimoly-alyosly, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси тахририяти» масъулияти чекланган жамияти

### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;  
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;  
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;  
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;  
Акциядорлик тижорат «Алоқабанд».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.  
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рўқам билан рўйхатга олинган.  
«Шарқ» наприйет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

### Бош мухarrир

Хуснидин  
БЕРДИЕВ

### Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.  
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Буыртма: Г-537

ISSN 2181-6190

Аялди: 1 945 русча.

Иарал: келгури аялди.

Көгүз бичими А-3, ҳажми 4 босма табок.

Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 22:00

ISSN 2181-6190



123256